

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси**

**ЖИНОЯТЧИ ШАХСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ  
ВА ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ**

мавзусида ёзилган

Жиноий-ҳуқуқий фаолият мутахассислиги  
бўйича

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Бажарди:** 4-курс “Жиноят-ҳуқуқий  
фаолият” йўналиши талабаси  
**Оппоқхонов Алимардон Наби ўғли.**

**Илмий раҳбар:** “Жиноят ҳуқуқи”  
кафедраси доценти в.б., ю.ф.н.  
**Салаев Нодирбек Сапарбаевич**

**Тошкент – 2016**

## **М У Н Д А Р И Ж А**

|                                                                                                             |           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                           | <b>3</b>  |
| <b>I БОБ. ЖИНОЯТЧИ ШАХСИ ВА ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....</b>                           | <b>8</b>  |
| 1. Жиноятчи шахси тушунчаси ва унинг жиноятнинг субъектига нисбати.....                                     | 8         |
| 2. Жиноятларнинг олдини олиш тушунчаси.....                                                                 | 17        |
| <b>II БОБ. ЖИНОЯТЧИ ШАХСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ.....</b>                                                 | <b>29</b> |
| 1. Жиноятчи шахсларнинг ижтимоий-демографик белгилари таҳлили.....                                          | 29        |
| 2. Жиноятчи шахсларни таснифлашнинг криминологик асослари.....                                              | 33        |
| <b>III БОБ. ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.....</b>                                     | <b>47</b> |
| 1. Жиноятларнинг олдини олиш тизими.....                                                                    | 47        |
| 2. Жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишда профилактика тизимини ахборот билан таъминлаш йўналишлари..... | 60        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                          | <b>74</b> |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>                                                                | <b>78</b> |

## КИРИШ

**Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги.** Аҳолининг тинчлигини, осойишталигини сақлаш, ҳар бир ҳудудда барқарорликни таъминлаш мустақил давлатимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Демократик давлат ўз фуқароларига тинч яшаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин, аynи замонда, жинойтчиликка қарши кураш шунчаки кампанияга айланиб кетмаслиги лозим. Бу иш - давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлмоғи зарур.

Жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ. Зеро, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур таъкидлаганларидек, қаердаки қонун ҳукмронлик қилар экан, ўша жойда эркинлик бўлади<sup>1</sup>. Бу муаммога Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз муносабатларини билдириб, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, олдимизга қўйилган вазифани бажаришнинг иложи бўлмайди<sup>2</sup>, деб таъкидлаган.

Биз қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жинойтчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади. Биз ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан боряпмиз. Ана шу эзгу мақсадга эришиш эса, энг аввало, одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англай олиши, ўзини ҳимоя қила билиши, шунингдек ҳимоя қилинганига боғлиқ. Уларни ҳимоя қилиш эса давлатнинг, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаларига киради. Фуқаролар жинойтлар тазйиқидан ҳимоя қилинмас экан, бу давлат инқирозга дучор бўлади. Шу туфайли бизнинг мамлакатда ушбу йўналишни давлат сиёсатининг устивор йўналишларида бири деб тан олингани бежиз эмас.

Мамлакатда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қонунбузарликнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашни кучайтириш, умуман, ҳозирги иқтисодий ислохотлар даврида қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент, 1996. – Б. 23.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент, 1993. – Б. 38.

Умуман олганда, деб таъкидлаган эди юртбошимиз, салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак.

Юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда, танланган мавзунинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан ҳам изоҳланади:

*биринчидан*, бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиб бораётганлиги, жиноят содир этишда янги усул ва воситаларнинг яратилаётганлиги жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ҳам четлаб ўтмаган. Бу эса, ўз навбатида, қонун ҳужжатларини жамият ривожланишига монанд равишда янгилаб боришни, амалиётда қонунийликни таъминлаш учун қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиб боришни талаб қилмоқда;

*иккинчидан*, ҳуқуқшунослик соҳасида “жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақиқий юриспруденциядир” деган ибратли таъриф мавжуд. Шундай бўлса-да, жиноятларнинг олдини олишнинг амалдаги тартиби ва механизми етарли самарага эга эмас. Жумладан, жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти томонидан яна жиноят содир этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Кези келганда айтиш жоизки, тақрорий жиноят биринчи марта содир этилган жиноятга қараганда оғирроқ ва хавфлироқ бўлади. Ушбу мавзунини таҳлил қилиш бундай турдаги шахсларга қарши курашиш, улар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш имкони яратилади;

*учинчидан*, республикамызда 2010 йилда 90 050 та, 2011 йилда 90 617 та, 2012 йилда 90 660 та, 2013 йилда 90 152 та, 2014 йилда 89 360 та, 2015 йилда 87 946 та жиноят содир этилганлиги қайд этилган. Жиноят содир этган шахслар эса, 2010 йилда 93 918 нафар, 2011 йилда 93 945 нафар, 2012 йилда 96 108 нафар, 2013 йилда 94 687 нафар, 2014 йилда 95 263 нафарни ташкил этган<sup>1</sup>. Албатта, мазкур кўрсаткичлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан, 2015-2016 йиллар.

жиноятчиликка қарши кураш сиёсати самарадорлигини янада ошириш, жиноят содир этган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, жиноятларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш заруратидан далолатдир.

Қайд этилган юқоридаги ҳолатлар биргаликда тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги ва бугунги кундаги аҳамиятини ойдинлаштиради.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Мазкур тадқиқот ишининг мақсади жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини, шунингдек ҳозирги замон муаммоларидан келиб чиқиб, ушбу тизимни такомиллаштириш имкониятларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- жиноятчи шахси тушунчаси ва унинг жиноятнинг субъектига нисбатини ёритиш;
- жиноятларнинг олдини олиш тушунчасини таҳлил қилиш;
- жиноятчи шахсларнинг ижтимоий-демографик белгиларини ёритиш;
- жиноятчи шахсларни таснифлашнинг криминологик асосларини таҳлил қилиш ва уларнинг таснифини келтириш;
- жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш ва унинг тизимини ёритиш;
- жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишда профилактика тизимини ахборот билан таъминлаш йўналишларини белгилаш;
- жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш билан боғлиқ хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш;
- жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш масаласи республикамизда Қ.Р.Абдурасулова, Г.Аванесов, З.Зарипов, О.Зокирова, И.Исмаилов, Й.Каракетов, М.Усмоналиев, М.Мусаев, С.Ниёзова, Қ.Пайзуллаев, М.Рустамбаев, Ф.Тахиров,

Г.Шарипова, М.Ўрозалиев<sup>1</sup>ларнинг илмий ишларида ўрганилган. Шунингдек, мазкур масаланинг айрим жиҳатлари чет эл олимларидан М.Абисатов, Э.Абовян, А.Абубакаров, Е.Алауханов, А.Варданян, Р.Кулешов, А.Васильев, С.Герасимов, Ю.Джаҳбаров, С.Дунаев, А.Ильяшенко, И.Лиманская, Л.Сердюк, С.Солодовников, Д.Шестаков, Г.Юрков, К.Нуотио, С.Меландер, М.Хуомо-Кеттуненлар<sup>2</sup> томонидан ўрганилган. Мазкур мавзу доирасида комплекс тадқиқот олиб бориш амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этишда катта аҳамият касб этиши билан бир қаторда мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети.** Жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Юрид. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2005. – 305 б.; Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2013. – 311 б.; Криминология: Дарслик / Абдурасулова Қ., Шарипова Г., Аванесов Г., Зарипов З. ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007.; Зарипов З., Исмаилов И. Криминология: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996.; Зокирова О. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 203 б.; Каракетов Ў., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик қоралари: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: Г.А.Аҳмедов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.; Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2011.; Ниёзова С.С. Жиноятларнинг виктимологик профилактикаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2012.; Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлари). Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2007.; Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 144 б.; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи курси. Т.3. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва ҳавфсизликка қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011.; Тахиров Ф. Жинсий жиноятларнинг олдини олиш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 213 б.; Ўрозалиев М. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

<sup>2</sup> Абисатов М. Организованная преступность в Казахстане: современное состояние, тенденции развития, проблемные вопросы, пути их решения. – Алматы, 2006. – 348 с.; Абовян Э. Предупреждение преступлений, совершаемых в состоянии алкогольного опьянения в семейно-бытовой сфере. Дисс... на соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – Рязань, 2011.; Абубакаров А. Криминологический анализ и предупреждение пьянства и алкоголизма как негативного социального явления в современной России. Дисс... на соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – М., 2002.; Алауханов Е.Х. Криминология: Учебник. – СПб.: Юридический центр пресс, 2013.; Варданян А. В., Кулешов Р. В. Типология агрессии и формы ее проявления в структуре мотивации экстремистской и террористической деятельности. // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2013. № 2 (25); Варданян А.В. Концептуальные аспекты предупреждения тяжких насильственных преступлений против жизни и здоровья личности в деятельности следственных и оперативных подразделений. // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2014. № 1.; Васильев А.Б. Криминологическая характеристика и предупреждение насильственных преступлений против личности, совершаемых в условиях крупного города: На материалах г. Москвы. Дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2003.; Герасимов С.И. Концептуальные основы и научно-практические проблемы предупреждения преступности: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2001.; Джаҳбаров Ю.А. Криминологическая характеристика и профилактика насильственных преступлений на виктимологической основе. Дисс.... канд. юрид. наук. – Рязань, 2004.; Дунаев С.А. Криминологическая характеристика и предупреждение рецидивных преступлений, связанных с насилием против личности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1998.; Ильяшенко А.Н. Борьба с насильственной преступностью в семье. – М., 2003.; Лиманская И.В. Виктимологическая профилактика насильственных преступлений против личности. Дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2002.; Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., Юрлитинформ, 2002.; Солодовников С.А. Виктимное поведение и защита потерпевших от насильственных преступных посягательств // Сб. Преступное поведение (новые исследования). – М., 2002.; Шестаков Д.А. Семейная криминология: Кримиофамилистика. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003.; Kimmo Nuotio, Sakari Melander, Merita Huomo-Kettunen. Introduction to Finnish law and legal culture. – Helsinki, 2012. – 294 p.

Тадқиқот предмети а) Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг тадқиқот объектига доир қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари; б) жиноятчи шахси ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишга алоқадор халқаро ва хорижий ҳужжатлар ҳамда илмий-назарий адабиётлар ва амалий қўлланмалар ҳисобланади.

**Илмий янгилиги** шу билан белгиланадики, унда жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш муаммоларининг энг муҳим жиҳатларини комплекс ўрганишга, унинг ўзига хос хусусиятларини ажратишга, шунингдек, бу соҳани такомиллаштириш истиқболларини белгилашга ҳаракат қилинган. Мазкур тадқиқот доирасида жиноятчи шахсининг криминологик тавсифига, шунингдек жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда унда тадқиқот объектига бутунги кун талаби ва мамлакатимизда жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида амалга оширилаётган ислохотлар нуқтаи назаридан ёндашилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур тадқиқот жиноятчи шахси ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишга оид назарий ва амалий масалаларни тизимлаштириш, янги тушунчаларнинг аниқ таърифини баён этиш, бу соҳада назарий асосларни ривожлантиришга, жиноят қонунининг қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, шакллантирилган таклифлар ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда; амалдаги жиноят, жиноят-процессуал, жиноят ижроия қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларини тайёрлашда; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида; таълим жараёнларида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иш кириш, олтига параграфни ўз ичига олувчи учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг ҳажми 76 бетдан иборат. Илмий ишни ёзишда 104 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.



# **I БОБ. ЖИНОЯТЧИ ШАХСИ ВА ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

## **1. Жиноятчи шахси тушунчаси ва унинг жиноятнинг субъектига нисбати**

Шахс — алоҳида киши, ижтимоий-ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган индивиддир. Шахс — ижтимоий-маънавий, ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган одамни англатувчи тушунча<sup>1</sup>. Бу тушунча барча ижтимоий-гуманитар фанларда ўз предмети нуктаи назаридан ишлатилади. Шахс ҳақида хилма-хил талқинлар бор. Шахс — биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олинидир. Шахснинг шаклланишида қуйидаги омиллар қатнашади: 1) биологик (насл); 2) табиий муҳит; 3) маданий муҳит; 4) ижтимоий тажриба; 5) одамлар билан муносабат<sup>2</sup>.

Шахснинг биофизиологик жиҳати овқатланиш, жойлашиш, жинсий алоқаларга киришиш, бола туғилиши каби индивидуал фаолияти билан боғлиқ ҳодисалардир. Шахснинг шаклланишига табиий алоқадор буюм ва алоқалар олами физик муҳит деб аталади. Шахс маданийлашган жонзот; ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлган муайян авлод вакили; одамлараро муносабатлар субъекти бўлиши ҳам мумкин. Бу уч омил ҳам шахс ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий муносабатлар доирасидан ташқарида инсон шахс бўла олмаслиги шубҳасиз. Аммо шахснинг ижтимоийлашуви даражаси ҳар хил бўлишини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Масалан, эмизикли ёшдаги болалар фақат потенциал шахслардир. Ҳайвонлар галасида яшаб катта бўлган ва сўнгра одамлар жамиятига қўшилган, лекин унга мослаша олмаган одамлар шахс саналиши мумкин эмас<sup>3</sup>.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга бефарқ бўлган руҳий касалларни ҳам шахс деб ҳисоблаш мушкул. Ижтимоий ҳаёт тажрибасини ўзлаштирган, ўз ижтимоий позициясини ишлаб чиққан, ижтимоий

<sup>1</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. — Тошкент: Ғофур Ғулом, 2010. — Б. 632.

<sup>2</sup> Фалсафа: қомусий луғат. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. — Тошкент: Шарқ, 2004. — Б. 450.

<sup>3</sup> Абдурашулова Қ., Ниёзова С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТДЮИ, 2006. — Б. 58.

муносабатлар ташувчиси ва бунёдкори сифатида амал қилувчи одамгина шахс ҳисобланади.

Нерв системаси тури, мижоз, ирсий хусусиятлар каби жиҳатлар шахсни тавсифлашда иккинчи даражали рол ўйнайди, чунки улар муайян ижтимоий функцияларни бажаради.

“Шахс” тушунчаси инсоннинг ижтимоий фойдали меҳнатга муносабатини, инсон ижтимоий ривожланиш учун зарур бўлган хоссаларни шакллантириш учун ўзи устида қандай ишлашини муқаррар тарзда қамраб олади<sup>1</sup>.

Меҳнатга, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга, ўз бурчларини бажаришга муносабат шахснинг жамиятдаги аҳамияти даражасини белгилайди. Шу сабабли ўз фаолияти билан ижтимоий тараққиётни жадаллаштирувчи шахслар илғор, тараққийпарвар шахслар сифатида таърифланади. Ва аксинча, тараққиёт йўлида тўғаноқ бўлувчи, фақат ўзининг тубан эҳтиёжларини қондириш билангина қифояланувчи одамлар қолоқ ва ҳатто реакцион шахслар ҳисобланади. Инсоннинг биологик табиатини инкор этиш мумкин эмас, аммо биологик омил шахс моҳиятини ёритиб бера олмайди. У инсон шахси ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч эмас, балки унинг шартларидан биридир. Муайян биологик асосларда баъзан ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида жиддий ўзгаришлар рўй беради.

Шундай қилиб, инсон шахси – табиий ва ижтимоий, моддий ва маънавий фазилатлар ва ҳислатларнинг мураккаб уйғунлигидир. Шахс – ўз шахсий (индивидуал) ва жамиятдан олинган ижтимоий тажрибага эга бўлган ҳаракатчан тизимдир. Мазкур тажриба шахснинг ўзини қуршаган муҳитга муносабатида, унинг ҳис-туйғулари ва ҳуқ-атворида ўз аксини топади. Шахс – одамнинг онги, сезгилари ва хоҳиш-иродасини шакллантирувчи ижтимоий муносабатларнинг муайян борлигидир. Шу муносабатларнинг (энг аввало, иқтисодий, ишлаб чиқариш муносабатларининг) етуқлик даражаси одам шахсининг етуқлик даражасини белгилаб беради.

Шахс таркиби тўғрисидаги масала муҳим методологик масалалардан биридир.

Социологияда шахснинг камида уч муҳим таркибий элементи фарқланади:

1) шахснинг жамиятдаги ижтимоий ҳолати, аввало унинг ишлаб чиқаришга

---

<sup>1</sup> Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 61.

муносабати – ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида шахснинг ўрни, қайси ижтимоий табақага мансублиги; 2) шахс қайси функция ва роляни бажариши; 3) шахс ҳаёти ва фаолияти мотивларининг, манфаатлар (ижтимоий, шахсий), эҳтиёжлар (моддий, маънавий) тизимининг хусусияти, яъни шахснинг мойилликлари.

Жиноят субъекти шахсини ўрганиш замирида юқорида қайд этилган умумий асосий қоидалар ётиши лозим.

Жиноятчи шахси – аввало жиноят субъектининг шахсидир. Жиноят қонунчилигига биноан жиноят субъекти уни айнан субъект деб топиш учун зарур кўрсаткичларга эга бўлиши лозим. Бундай кўрсаткичлар учта: жисмоний шахс (жаҳоннинг баъзи бир мамлакатларида юридик шахсларни ҳам жиноят субъекти деб топиш имконияти назарда тутилганки, бунга қўшилиш қийин), шахснинг муайян ёшга тўлганлиги (МДХнинг бир қанча мамлакатлари қонунчилигига кўра 14, 16, 18 ёш, жаҳоннинг баъзи бир мамлакатлари жиноят кодексларига биноан эса – бундан ҳам кичикроқ ёш) ва ақли расолик.

Аммо жиноятчи шахсини тавсифлаш учун жиноят субъектининг фақат жиноят-ҳуқуқий белгилари етарли эмас. Муайян субъектнинг жиноят содир этиши фақат жиноят содир этган одам шахси мавжудлигини эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жиноят субъектининг шахси одамнинг асосан жинсий хулқ-атвор хусусиятлари билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар хил кўрсаткичларини ҳам қамраб олади. Жинсий хулқ-атвор, энг аввало, одамни қуршаган борлиқ, муҳит билан белгиланади. Лекин, айтиш мумкин, у шахснинг муайян майллари, интилишлари, хулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини ҳам акс эттиради. Табиийки, одамга қандай салбий хусусиятлар хос бўлмасин, агар у жиноят содир этмаган бўлса, уни жиноятчи деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жиноят содир этганлик ҳолати муайян одамни ғайриижтимоий шахс сифатида тавсифлайди, лекин унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунтириб бермайди.

Жиноятчи шахсини тўлақонли тавсифлаш ва баҳолаш учун унинг ҳам ижобий, ҳам салбий хулқ-атворини белгиловчи барча хислатлари ва хусусиятларини, унга хос бўлган барча хислатлар тизимида ижтимоий салбий хоссалар улушини ҳисобга олиш зарур.

Ижтимоий борлиқ ҳодисаси сифатида, жиноятчилик ижтимоий муносабатларга тажовуз қилган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ҳар бир муайян жиной ҳаракат ана шу хусусиятларни акс эттиради. Пировардида жиной қилмиш содир этган шахсда унинг ижтимоий муносабатлар – жиной тажовуз объектига салбий муносабатини белгиловчи дунёқараши ҳам ўз аксини топади.

Қ.Абдурасулова таъкидлаб ўтганидек, жиной субъектининг шахси уч даражада: жинойтчи шахси умумий тушунчаси нуқтаи назаридан, ҳар хил тоифага мансуб жинойтчиларнинг белгиларини аниқлаш нуқтаи назаридан ва муайян жиной содир этган шахс (масалан, ўғрилик, одам ўлдириш, номусга тегиш, автомобилни олиб қочиш ва ҳоказо жинойтлар содир этувчи шахслар) даражасида ўрганилиши лозим<sup>1</sup>.

Мазкур даражаларда шахсни ўрганиш ва унинг белгиларини аниқлаш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин, чунки бу ерда умумлаштириш (абстракция) даражаси ҳар хилдир. Жинойт субъектининг шахси муайян жиной содир этган шахс даражасида нисбатан тўлиқ тавсифланиши мумкин. Аммо муайян тоифага мансуб жинойтчиларни (масалан, рецидивистлар, вояга етмаганлар, мулкка қарши, давлатга қарши, зўравонлик ва ҳоказо жинойтлар содир этган шахсларни) ўрганиш жинойтчи шахсини бундай шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан ёритиш ва тегишинча жинойтларнинг тегишли тоифаларига қарши курашнинг муайян чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Айни вақтда, “жинойтчи шахси” умумий тушунчаси ҳам одам фазилатлари ва хислатларининг жинойтчилик билан ўзаро боғланишини ўрганиш ва ҳисобга олиш учун фойдалидир. Махсус адабиётларда айрим олимлар, хусусан, профессор Ю.Д.Блувштейн томонидан илгари сурилган “жинойтчи шахси” умумий тушунчасидан воз кечиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди.

Криминология фанида жинойт субъекти шахсининг асосий таркибий элементлари анча мукаммал тавсифланган. Мазкур таркиб умуман олганда жинойтчининг муайян хислатлари ва хоссаларини белгиловчи ижтимоий-демографик,

---

<sup>1</sup> Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 63.

ижтимоий-ахлоқий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий белгиларни қамраб олади.

Криминолог олимларнинг жиноятчи шахси схемаси тўғрисидаги баъзи бир муҳим таклифларини келтириб ўтамиз. Р.Душановнинг қайд этишича, жиноятчи шахси — жиноятчининг асосий интеллектуал-маънавий хислатлари, руҳий ва жисмоний ҳолатининг мажмуидир<sup>1</sup>. Жиноятчи шахси тушунчаси ўзига хос равишда жиноятчининг ижтимоий белгиларини ифодалайди, яъни шахснинг “ижтимоий қиёфаси”ни очиб беришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам криминалистикада шахсга моддий воқелик нуқтаи назардан — бўйи, қадди-қомати, кўзи, қоши кабиларни тавсифланса, криминлогияда шахсга унинг ижтимоий ҳолатлари орқали таъриф берилади<sup>2</sup>.

Юридик адабиётда жиноятчи шахси деганда, жиноят қонунини айбли равишда бузаётган шахсни тавсифловчи, ҳамда бошқа шахсий шароитлар ва ҳолатлар билан ҳамоҳанг тарзда, унинг жиноий хулқиға таъсир этадиган ижтимоий ва ижтимоий шартланган хусусиятлар, белгилар, алоқалар, муносабатлар йиғиндиси тушунилади<sup>3</sup>. Жиноятчи шахси, махсус ижтимоий тип сифатида қўрилади, унинг хусусиятлари эса “...шахснинг десоциаллашувини, ҳамда шу орқали салбий ижтимоий ролларни танлаш ва амалга ошириши ҳақида далолат берадиган салбий ижтимоий сифатлар мавжудлиги”да ифодаланади<sup>4</sup>.

“Инсон хулқ-атвори кўпчилик қисми мазмунини унинг биологик хусусиятлари эмас, ташқи вазиятнинг қисқа муддатли ва кўп холда тасодифий таъсири ҳам эмас, балки индивиднинг бутун ҳаёт йўли белгилаб беради”<sup>5</sup>, деб ёзган эди Н.В. Кудрявцев.

Жиноий хулқ — атворининг пайдо бўлишида ҳис-ҳаяжон ва бундан ташқари, эмоцияли сиқилиш қанчалик юқори бўлса, шунчалик унинг ақл идроки ва иродасига таъсир қилади. Шу боисдан инсон онгига эмоциянинг қандай таъсир кўрсатиши турли

<sup>1</sup> Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси. Ўқув қўлланма. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — Б. 15.

<sup>2</sup> Криминология. Дарслик. / Абдурасулова Қ.Р., Аванесов Г.А., Зарипов З.С. ва бошқ. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. — Б. 85.

<sup>3</sup> Плешаков В.А. Концепция криминологической теории ситуаций или ситуационной криминологии. Россия: уроки реформ. Научные труды, 2008. — С. 152

<sup>4</sup> Стручков Н.А. Криминология и проблемы личности преступника. // Теоретические проблемы учения о личности преступника. М.: Юрид. лит., 1979. — С. 128.

<sup>5</sup> Кудрявцев Н.В. Причинность в криминологии. М.: “Юридическая литература”, 1968, -С. 22-23.

факторларга боғлиқ бўлади. Инсоннинг эмоционал хулқ атвори унинг, баъзи аъзоларига таъсир этади. Инсон хатти-ҳаракати унинг шахсияти билангина сабабий боғланмасдан, балки биологик, психофизиологик ҳолатлар билан ҳам боғлиқдир<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики шахс – муҳитнинг, ижтимоий тарихий шароитларнинг маҳсулидир. Унинг рухий ривожланиши моддий ва рухий омиллар таъсири остида содир бўлади. Бироқ улар шахсга бир хил даражада таъсир қилмайди. Ҳал қилувчи аҳамият - жамият ҳаёти ва фаолиятининг ҳақиқий моддий прогресси ижтимоий борлиққа тегишли. Психологик нуқтаи назардан бу ёшда вояга етмаганлар ҳаёт қадриятларининг “иерархиясини” шакллантирадилар, уларнинг хулқ-атвориға ҳаётӣ тажрибанинг етишмаслиги, ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари тизимини шаклланишининг яқунланмаганлиги таъсир қилади ва натижада, содир этиладиган аксарият қилмишларнинг вазиятчилигига таъсир қилади. “Индивиднинг биологик хусусиятлари (агар улар аниқланган бўлса) ҳаёт, реал ҳаётӣ, маиший (ва айниқса муаммовий) вазиятлар ўзининг муайян изини қолдирувчи омил бўлиб хизмат қилади”<sup>2</sup>. Инсоннинг табиий мавжудот сифатида ҳайвондан фарқи шундаки, у онгли, фаол мавжудотдир. Шу сабабли у, олдига қўйилган мақсадларга мувофиқ, табиатдан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш билан бир вақтда, уни ўзгартиради. Шу билан бирга, одамда онг мавжудлигининг ўзи уни шахс сифатида тавсифламайди. Инсонда онгнинг мавжудлиги унинг ижтимоий ва биологик жиҳатлари ўзаро нисбатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, онг ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Онг инсоннинг объектив борлиқни, одамнинг бошқа одамлар билан объектив муносабатларини акс эттириш шакли сифатида амал қилади. Бинобарин, ушбу муносабатлар ўз манбаига кўра ижтимоий хусусиятга эгадир.

Жиноят содир қилган шахсни ўрганиш, бу ўзидан-ўзи пайдо бўлган мақсад эмас. Пировардида, жиноятларни индивидуал профилактикасининг назарий асослари –

---

<sup>1</sup> С.Ниёзова. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 15.

<sup>2</sup> Кудрявцев С.В. Взаимодействие социально-экономических и социально-психологических процессов в генезисе преступности. “Советское Государство и право” 1985 №12. -С.22

жиноятчи шахси, унинг жиноий хулқ-атвори сабаблари ва механизмлари ҳақидаги криминологик билимлардир<sup>1</sup>.

Жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи, у ёки бу жиноятни содир қилган шахсни, инсоннинг жамиятга қарши хулқ-атвори билан бевосита ёхуд билвосита боғлиқ бўлган, ҳамда жиноят содир қилишни шартлайдиган ёхуд енгиллаштирадиган, ёхуд уни содир қилиш сабабларини англашга қўмаклашадиган, ижтимоий турмуши ва ҳаётий тажрибасининг турли жабҳалари ва кўринишларини тавсифловчи белгилар (аломатлар) тизими сифатида кўрилади.

Б.В.Волженкин жиноятчи шахси таркибидаги белгиларни уч гуруҳга ажратишни таклиф қилади: 1) шахснинг жамият аъзоси сифатидаги умумий белгилари; 2) жиноятчи шахсининг уни бошқа фуқаролардан фарқлаш имконини берувчи, лекин барча жиноятчилар учун умумий бўлган (унинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифлайдиган) алоҳида белгилари; 3) жиноятчи шахсининг мазкур одамни тавсифлайдиган ўзига хос белгилари. Н.Т.Ведерников шахс белгиларини икки гуруҳга ажратишни таклиф қилади: а) индивидуаллаштирувчи белгилар (шахснинг таржимаи ҳоли, моддий аҳволи, жисмоний ва руҳий соғлиғи ҳақидаги маълумотлар); б) шахснинг ижтимоий (ишлаб чиқаришга оид, сиёсий ва оилавий) тавсифи. Ю.Д.Блувштейн жиноятчи шахсининг демографик, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва биологик (тиббий) белгиларини фарқлайди<sup>2</sup>. А.Б.Сахаров дастлаб жиноятчи шахсининг белгиларини ижтимоий-демографик, ижтимоий-психологик ва ижтимоий-биологик тоифаларга ажратишни таклиф қилган эди. Бироқ, кейинчалик у ўз фикрини муайян даражада ўзгартирди ва шахснинг биологик белгилари туркумини рўйхатдан чиқариб ташлади<sup>3</sup>.

Ҳар қандай одам, ижтимоий мавжудот сифатида, ҳар хил алоқа ва ижтимоий муносабатларга эгадир. Жиноятчи шахсини белгилайдиган алоқалар, хоссалар ва белгиларнинг ранг-баранглиги энг аввало жиноят содир этган шахснинг ижтимоий аҳамиятга молик хислатлари ва хусусиятларини ўрганишни, жиноятчи шахсининг

<sup>1</sup> Антонян Ю.М. Личность преступника - индивидуальная профилактика преступлений: сопоставление и выводы // Личность преступников и индивидуальное воздействие на них. М., 1989. – С. 3.

<sup>2</sup> Блувштейн Ю.Д. Теоретические вопросы статистического познания личности преступника по материалам уголовных.

<sup>3</sup> Сахаров А.Б. Криминология и профилактика преступлений. Учебник для ВУЗов МВД. 1999. – С. 100.

типологик хусусиятларини аниқлашни ва уни алоҳида ижтимоий тип сифатида тавсифлашни назарда тутди.

Ҳар қандай жиной ҳаракат аввало одамнинг интеллектуал, эмоционал ва ахлоқий фазилатлари ва хислатларини акс эттиради. Шу боис мазкур фазилат ва хислатларнинг объектив кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг деформациялашуви босқичларини тадқиқ қилиш криминология учун муҳимдир. Шунга асосланган ҳолда у ижтимоий соҳада жинойтчи шахсини ва унинг жиной ҳуқ-атворини белгилайдиган криминоген омилларнинг яхлит таснифини тузиши мумкин.

Бунда ижтимоий-демографик белгилар – жинс, ёш, оилавий ва ижтимоий ҳолат, маълумот, касб ва ҳоказолар аҳоли турли ижтимоий табақаларининг жиной фаоллигини аниқлаш, жинойт содир этган шахсларнинг ёш ва жинс хусусиятларини кузатишга ёрдам беради. Шахснинг оилавий ва ижтимоий ҳолатини тадқиқ қилиш муайян жинойтчининг шахси шаклланишига таъсир кўрсатган криминоген омиллар ва ҳолатларни аниқлашга кўмаклашади.

Ижтимоий-психологик тавсиф “шахс-муҳит” ўзаро таъсир механизмларини ўрганишга, жинойтчининг шахси шаклланишига таъсир кўрсатувчи ноҳўя шарт-шароитларни аниқлашга имконият яратади. Эмоциялар, интеллект ва ирода соҳаларини таҳлил қилиш индивидуал жиной ҳуқ-атвор мотивация жараёнлари ҳақида ҳулосалар чиқариш, жинойтнинг муайян мотивлари ва сабабларини аниқлаш имконини беради.

Хусусан, интеллект шахснинг ақлий ривожланиш даражасини, ўзини қуршаган муҳит ҳақидаги билимлари ҳажми ва уларнинг чуқурлик даражасини, маърифий қизиқишлари мазмуни, доираси ва ҳажмини, ижтимоий муносабатлари ҳажмини белгилайди.

Одамнинг эмоциялар соҳаси унинг нерв жараёнларининг кучи, мувозанати ва ҳаракатчанлигини (мижозини), эмоционал таъсирчанлик даражасини ва ҳоказоларни кўрсатади.

Шахснинг иродасига хос хусусиятлар унинг ўз фаолиятини онгли тарзда тартибга солиш кўникмасини, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш, ўз мақсадига эришиш қобилиятини тавсифлайди. Улар тиришқоқлик, изчиллик,

ташаббускорлик, топқирлик, катъийлик, ўзини тута билиш, серғайратлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Ижтимоий-психологик таҳлил пировардида шахснинг жиноий хулқ-атвориға таъсир этувчи бевосита сабаблар ва шароитларнинг амал қилиш механизмини тушуниб етиш имконини беради. У жиноятчи шахси ғайриижтимоий йўналишининг мазмунини, унинг салбий кўриниш касб этган қарашлари ва мойилликлари, эҳтиёжлари ва манфаатларини ёритишға кўмаклашади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жиноятға туртки берган омилларни аниқлашға ёрдам беради.

Ҳар қандай хулқ-атвор, шу жумладан, жиноий хулқ-атвор ҳам ижтимоий-ахлоқий мазмун ва мезонға эға бўлади, шахснинг ахлоқий хусусиятлари ва хислатларини ўзида мужассамлаштиради. Ахлоқий билиш ва ахлоқий муносабатлар шахс хулқ-атворини бошқаришнинг асосий омиллари қаториға киради. Бу омиллардаги ҳар қандай нуқсонлар ва қусурлар шахснинг хулқ-атвориға сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу боисдан шахснинг ахлоқий тавсифи унинг маънавий ва ахлоқий қиёфасини шакллантирувчи барча ахлоқий фазилатлар ва хислатларни қамраб олади. Ушбу тавсиф замирида яхшилик ва ёмонлик, виждонийлик ва бурч, шаън ва қадр-қиммат ҳақидаги қарашлар ётади. Бу фазилатлар ва хислатлар шахснинг маънавий етуклик даражасини акс эттиради ва унинг ҳар қандай қилмиши ва хатти-ҳаракатларини белгилаб беради.

Одамнинг онгли фаолиятида маънавий сезгилар, кайфиятлар ва муносабатлар ҳам намоён бўлади. Шунинг учун уларни криминологик ўрганиш жуда муҳимдир.

Шахснинг ижтимоий белгилари асосан унинг жамиятдаги, жамоадаги, микромуҳитдаги ўрни, яъни унинг ижтимоий ҳолати билан тавсифланади.

Шахснинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча белгиларини ўз ҳолича криминоген белгилар сифатида баҳолаш мумкин эмас. Аммо уларнинг ижобий ёки салбий ижтимоий аҳамиятиға қараб, улар ўртасида мавжуд ўзаро боғланишлар шахснинг муайян хулқ-атвори мақбул ёки номақбул йўналишда намоён бўлишиға ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Ниҳоят, жиноятчи шахсининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи жиноят-ҳуқуқий категорияларға (масалан, содир этилган жиноят тури ва унинг оғирлик даражаси,

жиноят содир этишда иштирокчилик, умумий ва махсус рецидив, жиноятчи шахсининг ахлоқан тузалиш даражаси ва ҳоказо) асосланади ва жиноят содир этган шахсининг ўзига хос портретини яратиш имконини беради.

Шундай қилиб, жиноят субъектининг шахси – одамнинг ўзини ҳам, унинг ҳаёти ва фаолиятининг турли томонлари ва кўринишларини ҳам тавсифловчи ижтимоий аҳамиятга молик ва индивидуал белгилари, хоссалари, хислатлари ва бошқа кўрсаткичларининг муайян мажмуи (тизими)дир.

Хуллас, *жиноятчи шахси – жиноят субъектига оид белгиларга эга (ақли расолик ва жиноий жавобгарлик ёши) ҳамда қонунда белгиланган тартибда айбдорлиги исботланган жисмоний шахс ўзида ифодаловчи ижтимоий-ҳуқуқий тушунча ҳисобланади.*

## **2. Жиноятларнинг олдини олиш тушунчаси**

Демократик жамиятда жиноятчиликка қарши кураш фақат жиноят-ҳуқуқий таъқиб воситасида эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини комплекс қўллаш орқали олиб борилади<sup>1</sup>.

Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умум эътироф этилган. Бу – ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.

Бу атамалар ИИБ, МХХ, адлия, прокуратура, суд, ҳўжалик суди, солиқ, божхона, ўт ўчириш, чегара хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий ходимлари, шунингдек жамоат ташкилотларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича муайян вазифаларни бажарувчи вакиллари томонидан кенг қўлланилади.

---

<sup>1</sup> Мусаев М. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 240.

Криминологияга оид адабиётларда жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси ҳақида кўп фикр юритилади, лекин мазкур тушунчанинг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас<sup>1</sup>. Жумладан, М.Каржнер мазкур тушунчага жиноятларнинг олдини олиш – давлат органлари ва жамоатчилик томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини тугатиш учун турли миқёсда амалга ошириладиган чора-тадбирлар комплекси<sup>2</sup>. Шунингдек, О.Зокированинг қайд этишича, жиноятчиликнинг олдини олиш – бу жиноятчиликни энг паст даражада сақлаб туриш мақсадида жиноятчиликнинг сабаблари ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган мазмун-моҳияти турлича бўлган чора-тадбирларнинг бутун бир тизимидир<sup>3</sup>. М.Рустамбаевнинг таъкидлашича, жиноятларнинг олдини олиш – алоҳида меъёр сифатида ҳуқуқий ҳуқ-атворни белгиловчи ҳуқуқий онг даражасини шакллантириш орқали ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этмаслигини таъминлашдир<sup>4</sup>.

Жиноятлар профилактикасига оид йирик тадқиқот муаллифи Г.А.Аванесов ўз китобининг биринчи нашрини “Криминология ва ижтимоий профилактика” деб номлаган<sup>5</sup>. Т.А.Аванесов кўрсатиб ўтилган атамалар бир-бирини истисно этмаслигини, улар ўртасида фарқдан кўра ўхшашлик кўпроқ эканлигини, моҳият эътибори билан улар турдош тушунчалар ҳисобланишини таъкидлаган ҳолда, жиноятлар профилактикасига икки хил маънода таъриф беради. Кенг маънода жиноятлар профилактикаси – муайян жиноятларга йўл қўймаслик, жамиятнинг муайян аъзоларини ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийиб туриш демакдир. Бошқача айтганда, бу – ҳуқуқ, шу жумладан жиноят ҳуқуқи (жиноят қонунчилиги) нормалари бузилишига йўл қўймасликдан иборат фаолият. Шу маънода жиноятлар профилактикаси мазмунига ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳам киради. Тор маънода эса, жиноятлар профилактикаси деганда, биринчидан, жиноятларнинг сабабларини, уларни содир этишга имконият яратувчи ҳолатлар ва шарт-шароитни

<sup>1</sup> Филимонов О.В. Индивидуальная профилактика преступлений. – Томск, 2005. – С. 5-7.

<sup>2</sup> Криминология. Дарслик. / Абдурасулова Қ.Р., Аванесов Г.А., Зарипов З.С. ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – Б. 154.

<sup>3</sup> Зокирова О. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Тошкент: ТДҶОИ, 2004. – Б. 153.

<sup>4</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҶО, 2010. – Б. 34.

<sup>5</sup> Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1980.

аниқлаш бўйича фаолиятни; иккинчидан, жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан зарур огоҳлантириш тадбирлари ўтказиш бўйича фаолиятни тушуниш лозим. Бу икки тушунча жамулжам ҳолда “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” умумий тушунчасини вужудга келтиради.

Шунга ўхшаш фикрни бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Бизнинг назаримизда, “жиноятларнинг олдини олиш”, “жиноятлар профилактикаси” атамаларига ҳар хил маъно юклаш мумкин эмас, чунки умумсиёсий, юридик ва фиолологик адабиётларда улар бир хил маънода қўлланилади.

“Профилактика” тушунчасини энг умумий равишда тавсифлаб, айтиш мумкинки, профилактика деганда, ғайриижтимоий турмуш кечирувчи айрим фуқароларга уларнинг манфаатларини ҳамда бошқа шахслар ва жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда доимий равишда амалга оширилувчи бир мақсадга йўналтирилган огоҳлантирувчи таъсир тушунилади<sup>1</sup>.

Шу ўринда Шарль Монтескьенинг сўзларини эсга олиш ўринлидир: “Яхши қонун чиқарувчи жиноятлар учун жазо беришдан кўра, уларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ мушоҳада юритади”. Шундай қилиб, инсон, шахс, одамлар, аниқроғи, жиноят содир этиши мумкин бўлган одамлар профилактиканинг диққат марказида туради. Бунда шунчаки ўз-ўзича олинган жиноятни эмас, балки жиноятга “аралашган” одамларни назарда тутиш лозим; булар фақат жиноятчилар эмас, балки уларнинг қурбонлари, жиноятдан жабрланган шахслар ҳамдир. Профилактика, агар у баъзиларга нисбатан олиб борилиб, бошқаларга нисбатан олиб борилмаса, амалда мақ-садсиз бўлиб қолади. Айнан шундан профилактиканинг икки асосий йўналиши келиб чиқади:

а) жиноят содир этишга қодир бўлган шахсларга нисбатан профилактик таъсир ўтказиш;

б) ўзини қурбон сифатида тутиб, жиноят содир этилишига имкон берувчиларга профилактик таъсир ўтказиш. Иккинчи йўналиш виктимологик профилактика бўлиб, унинг ўзи ҳам алоҳида тадқиқот объектидир<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Игошев К. Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. – Горький: 1976. – С. 35-36; Блувшен Ю. Д. Предупреждение преступлений в обществе развитого социализма. – Минск: 1980. – С. 9, 25-26.

<sup>2</sup> Ривман Д. В. О виктимологической профилактике преступлений // Вопросы профилактики преступлений. – Л.: 1977. – С. 27.

Жиноий қилмишларнинг олдини олишда инсоннинг мотивация (мақсад) соҳаси таркибини ҳисобга олиш зарур, чунки айнан алоҳида шахснинг ҳақиқий истакларини ўрганиш жиноят қонунчилигига асос бўлган субъектив айб қўйиш принципининг тўлиқ қўлланишини таъминлаши мумкин. Ҳозирги пайтда олимлар ҳуқуқий фанда мазмуни “жиноят ҳуқуқи назариясида субъектив айб қўйишни ҳимоя қилиш ҳамда реал ҳуқуқий воқеликда объектив айб қўйишнинг (қўпчилик ҳолларда олдиндан ният қилинмай) амалда устунлиги ўртасидаги қарама-қаршиликдан” иборат бўлган айбли жавобгарлик назариясининг таназзулини эътироф этмоқдалар<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, жиноий ҳуқ-атвор мотивациялари ва унинг руҳий механизмлари хатосиз аниқланганда эди, жиноятларнинг олдини олиш самаралироқ амалга оширилган бўларди. Таъкидлаш зарурки, қўлланиш доирасига кўра жиноятларнинг олдини олиш чоралари: катта ижтимоий гуруҳларга тегишли бўлган умумдават миқёсидаги алоҳида объектларга ёки микрогуруҳларга тегишли бўлган якка тартибдаги (индивидуал) чора-тадбирларга бўлинади. Бунда тадқиқот объектини, аниқ шахсларга ва уларнинг атрофидагиларга огоҳланти-рувчи таъсир кўрсатишга қаратилган якка тартибдаги олдини олиш чоралари ташкил этади<sup>2</sup>.

Жиноятларнинг олдини олиш масаласи билан одамлар узок ўтмишдан буён шуғулланиб келадилар. Бу тўғридаги мулоҳазаларни қадимги юнонлар – Афлотун ва Арастунинг асарларида ҳам ўқиш мумкин. Афлотуннинг фикрича, қонунчилик одамларни жиноят содир этишдан кўнглини қайтариши керак. Арасту эса ахлоқсиз урф-одатлар ва одатларга қарши курашишнинг аҳамиятига эътиборни қаратган. Кейинроқ бу масалага бошқа мутафаккирлар ҳам мурожаат қилганлар. Монтескье, Беккария, Вольтер, А.Н.Радишчев олий ҳокимиятнинг фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини тақидловчи, ундовчи ва огоҳлантирувчи услублар воситасида қонун йўлига йўналтириш мумкинлигини кўрсатиб ўтган эдилар<sup>3</sup>.

В.В.Ореховнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда жиноятчиликнинг олдини олиш тизими яхлитликка эга эмас, чунки элементлар ўртасидаги ўзаро таъсир амалда йўлга

---

<sup>1</sup> Язовских Ю. А. Проблемы вменения в российском уголовном праве: Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Екатеринбург: 1998. – С. 13.

<sup>2</sup> Квашин В.Е. Основы виктимологии. М.: NOTA BENE, 1999. – С.10.

<sup>3</sup> Алексеев А. И. Криминология.: Курс лекций. – М.: ЦИТ-М, 1999, – С. 115.

қўйилмаган, бунинг оқибатида эса қисмлар амалда бўлиниб кетган<sup>1</sup>. Жиноятчиликнинг олдини олиш объектини жамиятда содир бўлаётган ҳодисаларнинг жиноятчилик билан алоқаси ташкил этади. Бу ҳодисаларга таъсир кўрсатиш йўли билан жамиятда исталган самарага эришишга интилишни ҳисобга олиб, таъкидлаш лозимки, бу алоқанинг алоҳида элементлари иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий-руҳий ва бошқа кўринишдаги ҳодисалардан иборат бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва улар профилактикасининг ягона тизимини юзага келтиришнинг асоси бўлиши мумкин бўлган негизни, бизнингча, жиноятларнинг мотивациясини ўрганиш ташкил этади. Чунки мотивни аниқламай туриб жиноятнинг кўринишини тиклаш, ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишга нима ундаганлигини тушуниш мумкин эмас, бунинг оқибатида эса айбдорни қайта тарбиялаш муаммосини ҳал қилиш имконияти йўққа чиқади. Бунда шуни ҳисобга олиш зарурки, содир этилган қилмишнинг мотивациясини аниқлаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тергов органларига индивид айбининг айнан субъектив томонини аниқлаш анча осон (чиқарилган қарор ҳам янада аниқроқ) кечган бўларди, шунга мувофиқ айбдорга янада объективроқ жазо белгилаш имкони туғилган бўларди<sup>2</sup>.

Ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг мотивация соҳасини ўрганиш учун умумий ва ижтимоий руҳий муаммолари билан шуғулланувчи руҳшуносларнинг ёрдамларидан фойдаланиш зарур, бироқ “афсуски, юридик психология бўлими юриспруденцияда ҳам, руҳшуносликда ҳам жуда кам ўрганилган”<sup>3</sup>. Юристар, психологлар ва криминологларнинг кучларини бирлаштирилгандагина мазкур муаммони ҳал қилишда олдинга силжиш рўй бериши мумкин.

Криминологиянинг олдида турган асосий муаммолардан бири – мотивларнинг келиб чиқишини аниқлаш бўлиб, бу инсоннинг онгли ва онгсиз (ғайришуурий) соҳаларини ўрганади, чунки жиноий фаолиятни белгиловчи мотивларнинг қўлчилиги кейинчалик ё онгсиз даражада, ёки онгости даражасида юзага келади, бу эса жиноий қилмишларни келтириб чиқарган мотивларнинг ҳақиқийлигига оид масаланинг ҳал қилинишини осонлаштирмайди.

<sup>1</sup> Орехов В. В. Криминология. – М.: 1992, – С. 93.

<sup>2</sup> Тахиров Ф. Жинсий жиноятларнинг олдини олиш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 102.

<sup>3</sup> Алексеева Л. В. Судебно-психологическая экспертиза эмоциональных состояний: Дис. канд. психол. наук. – М.: 1996. – С. 36.

Олдини олувчи тадбирларга доир масалани кўриб чиққан вақтда микромуҳитда шахсга нохуш таъсир ўтказилишига ҳам эътибор бериш лозим.

Ю.М.Антонян таъкидлаганидек, ички ишлар органларининг микромуҳитда шахсга ўтказиладиган нохуш таъсирларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти жиноятларни юзага келтирувчи сабабларни ҳамда уларнинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароит-ларни бартараф қилиш борасидаги фаолиятининг асосий қисмлари-дан бири ҳисобланади. Айни чоғда, умуман, жиноятчиликка қарши курашнинг ўзи яқин ижтимоий муҳит соҳасида айрим шахсларга бўладиган салбий таъсирларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Таклиф этилган ушбу нуқтаи назарга қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, микромуҳитнинг шахсга таъсири алоҳида шахснинг ўзининг мотивлари билан шартланган (у билвосита ҳам бўлиши мумкин) бўлиб, унинг оқибатида микромуҳитнинг тегишли таъсирини қабул қилишни исташ ёки истамаслик (яъни шахснинг кон-формизм ёки ноконформизмга мойиллиги) ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Шу сабабли Ю.М.Антоняннинг: “Ҳайриижтимоий хулқ-атворнинг якка тартибда профилактика қилиниши фақат бир шарт билангина муваффақиятли бўлиши мумкин, яъни профилактика таъсири нафақат бундай хулқ-атвори кутиш мумкин бўлган шахсга, балки шу шахсга зарарли таъсир манбаси бўлган ижтимоий муҳит – қисмига ҳам ўтказилиши лозим”<sup>1</sup>, деган фикри фақат бутун ҳолича микрогуруҳларга нисбатан тўғридир. Якка тартибдаги профилактикани кўриб чиқишда инсон шахсига оид хусусиятларни инобатга олиш лозим, чунки (ҳатто инсон конформ хулқ-атворга мойил бўлсада) индивид бир вақтнинг ўзида бир неча гуруҳ фаолиятига киришуви сабабли бир гуруҳнинг таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди<sup>2</sup>.

Якка тартибдаги профилактика муаммоларини кўриб чиқиш самаралироқ кўринади, чунки якка тартибдаги профилактика алоҳида шахсларнинг хулқ-атвори,

---

<sup>1</sup> Антонян Ю.М. Социальная среда и формирование личности преступника (необлагоприятные влияния на личность в микросреде). – М.: 1975. – С. 147.

<sup>2</sup> Кленова Т.В. О развитии личного права в современном уголовном праве. // Научный мир Казахстана. №3-4, 2006. – С. 79.

турмуш тарзи ва мотивацияси билан боғлиқ бўлган криминоген омилларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган<sup>1</sup>.

Профилактиканинг моҳияти “эҳтимол тутилган, бироқ ҳали содир этилмаган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш”<sup>2</sup>дан иборатлигига асосланиб, айрим шахсларда жинойй қилмишлар юзага чиқиши мумкинлигига кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Бу, ўз навбатида, микромуҳит келтириб чиқарадиган жинойтларнинг олдини олишига ҳам ёрдам беради.

И.И.Карпец тўғри қайд этганидек, “алоҳида тартибда прогнозлаш муаммосида бир қатор мураккаб, фалсафий, ижтимоий, психологик ва криминологик муаммолар чамбарчас боғланиб кетади. Энг муҳими — бир марта жинойт содир этган инсон уни иккинчи марта ҳам содир этиши муқаррарми, ўта ноқулай ҳаётий вазиятда қолган, жинойт йўлига кирган одамлар ўртасида бўлган инсон ҳам жинойт содир этиши шакл-шубҳасизми?”<sup>3</sup>

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашга қаратилган профилактика чоралари жорий қилинар экан, бундай чоралар қўлланиладиган шахсларнинг икки гуруҳини фарқлаш лозим: муқаддам судланган шахслар ҳамда субъектив хусусиятлари уларнинг ҳуқуққа хилоф қилмишлар содир этишлари имкониятини истисно этмайдиган шахслар.

Биринчи гуруҳга келадиغان бўлсак, судлар субъектив айб қўйиш принципига асосан жинойт содир этилишига олиб келган ҳолатлар йиғиндисини аниқлашга мажбурдир.

Бу мезонга жинойй ниятнинг шаклланишига олиб келган жинойтнинг барча субъектив детерминатлари (манфаатлари, мотивлари ва бошқалар) ҳамда жинойт содир этилишига таъсир кўрсатган вазият ва омиллар киритилиши лозим.

Суд ҳақиқий мотивларни аниқлагач, жазо қўллаш билан чекланмасдан, индивид билан олиб бориладиган профилактика ишлари стратегиясини ишлаб чиқиши зарур.

Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, агар «криминологик олдини олиш чоралари жинойтларнинг содир этилиш шарт-шароитлари ҳамда объектив ва субъектив

---

<sup>1</sup> Пайзуллаев Қ.П. Юридическая и криминологическая характеристика личности преступника, совершившего сексуальное насилие против несовершеннолетних. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ, 2003, №3. — Б.49-51.

<sup>2</sup> Самощенко М. С. Понятие правонарушения по советскому законодательству. — М.: Юриздат, 1963. — С. 262.

<sup>3</sup> Карпец И. И. Современные проблемы уголовного права и криминологии. — М.: Юридическая литература, 1976. — С. 148.

сабабларига таъсир кўрсатса, мажбурлов-ҳукукий чоралари фақат субъектив сабаблар ва шарт-шароитларга, яъни шахсга тегишли бўлган омилларга таъсир қилади”<sup>1</sup>.

Ю.А.Иванов судларнинг судланувчига жазо тайинлашдаги ҳаракатларини баҳолаб, таъкидлаганидек, суд қандай мулоҳазаларга асосланаётганидан қатъи назар, ишнинг конкрет ҳолатлари ва судланувчининг шахси синчковлик билан ҳисобга олиниши лозим, зеро, бу маҳкумга психологик таъсир кўрсатишнинг зарурий шarti ҳисобланади, шунда жазо адолатли, қонунга қатъий риоя қилинган ҳолда чиқарилган деб тушунилади. Бироқ бунда, хусусан, жазо беришдан кўзланган маҳкумлар билан бошқа шахслар янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш мақсадлари ўртасидаги чамбарчас боғлиқликнинг бузилишига йўл қўймаслик лозим. Жазонинг мазмуни, тури ва миқдори маҳкумга тушунарли бўлиши ҳамда жазо унга тўғри таъсир этиши (бунинг учун эса инсоннинг хусусиятлари, табиати, ҳаётга қарашлари, ахлокий қадриятларга муносабати ва бошқаларни билиш) зарурлигидан ташқари, жазони белгилашда жазо атрофдагиларга қанчалик таъсир этишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Афсуски, суд жазо белгилашда кўпинча қоғозларда кўрсатилган статистик маълумотлар рўйхатидаги мотивларгагина асосланади, ҳолбуки, бу мотивлар рўйхати тўлиқ ва мукамал эмас. Бунинг устига, суд амалиётида шундай ҳолатлар ҳам маълумки, баъзида суд кенг тарқалган жиноий мотивлардан бирини содир этилган аниқ бир жиноятдаги ҳуқ-атворга мос бўлмасида, қўллашга ҳаракат қилади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга чек қўйишнинг кейинги жиҳатини, бизнинг назаримизда, ҳукукий муаммоларни ажратиш ташкил этади, чунки бу муаммоларнинг ҳал этилиши жинсий эркинликка нисбатан жиноятларга қарши курашда биринчи даражали аҳамият касб этади: аслини олганда, ҳар бир босқичда мазкур жиноятларнинг олдини олишдаги муваффақият бу муаммолар қай даражада ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Албатта, бу ўринда гап уларнинг илдизи билан қуритиш тўғрисида эмас, балки фақат уларнинг олдини олиш ҳақида бориши мумкин.

Мамлакатимизда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш қонунбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, умуман, ҳозирги

---

<sup>1</sup> Криминология. / Под. ред. А. И. Долговой. – М.: Изд-во “М-Норма”, 1997. – С. 141.

иқтисодий ислохотлар даврида қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва айниқса ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиши керак<sup>1</sup>.

Қонунчиликнинг мустаҳкамланишига эса бевосита жиноятчилик ва унга шароит яратган ҳолатлар катта салбий кўрсатади. Айниқса содир этилган жиноят бўйича аниқланган айбланувчилар – жиноий жавобгарликдан қочиб, тергов ҳамда суд органларида яшириниб юриш ҳолларининг кам бўлсада учраб туриш жамият ҳавфсизлиги ва тартибининг сақланишига ҳар доим ҳавф туғдириши мумкин. Жиноятчиликка қарши унинг сабаблари орқали курашмаслик ёки етарли даражада чораларни кўрмаслик янада оғирроқ оқибатларга, жиноятлар сонининг ошиши, жавобгарликка тортилмаган шахсларнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига қулай шароит яратади.

Жиноятларнинг олдини олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши ҳавфини камайтириш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш (жиноятчиликни профилактика қилиш)нинг<sup>1</sup> иккита: умумижтимоий ва махсус-криминологик тури

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 285.

тафовут этилади. Бунда биринчи ва иккинчи турга мансуб чора-тадбирлар жиноятчиликни профилактика қилишнинг бир нечта босқичда амалга оширилиши мумкин.

Биринчи босқичда жамият ҳаётининг йирик ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал қилиш, тарбиявий ва мафкуравий ишларни кучайтириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва бошқа шунга ўхшаш чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. Иккинчи босқич эса низоли вазиятлар юзага келган ва салбий ҳодисалар содир бўлиши кутилаётган муайян ижтимоий табақалар (микромухит)га профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини қамраб олади. Учинчи босқич (даража) шахс шаклланишининг ноқулай шароитларига тушиб қолган ёки жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларнинг қадриятлари ва қарашлари тизимини ижобий томонга ўзгартиришга йўналтирилган индивидуал тарбия-профилактика ишларини амалга ошириш, уларнинг ғайриижтимоий қарашлари ва мойилликларини енгиш, қонун ва умум эътироф этилган ижтимоий хулқ-атвор нормаларига нисбатан ҳурматни шакллантиришни назарда тутати<sup>2</sup>.

Бу умумий қоидалардан юқорида айтилган босқичларга мувофиқ умумий ва махсус олдини олиш чораларини аёллар жиноятчилигининг профилактикасига нисбатан ҳам тўла қўллаш мумкин деган хулосага олиб келади. Шу билан бирга, эркаклар ва аёллар ғайриқонуний хулқ-атворнинг генезисада баъзан турлича (ижтимоий, ижтимоий-психологик, физиологик ва ҳ.к.) омиллар ётиши туфайли, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги бир хил ҳодисалар эркаклар ва аёлларнинг хулқ-атворига ҳар хил таъсир кўрсатишини эътиборга олиб, аёллар жиноятчилигининг олдини олиш, шу жумладан, умумий хусусиятга эга бўлган омилларгагина эмас, айнан аёлларда ғайриқонуний хулқ-атвори вужудга келтирувчи омилларга ҳам таъсир кўрсатишга йўналтирилиши керак.

Жиноятларни олдини олиш профилактик чоралари ниҳоятда турлича бўлиб, унинг тизими анча мураккабдир. У қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олиши

<sup>1</sup> Адабиётларда “жиноятчиликни профилактика қилиш”, “жиноятчиликни оғоҳлантириш”, “жиноятчиликнинг олдини олиш” тушунчаларининг ёваро нисбати юзасидан ҳар хил фикрлар билдирилганини эътиборга олиб, биз, мазкур масала юзасидан мунозарага киришмасдан, юқорида зикр этилган тушунчалар бир хил маънони билдиришидан келиб чиққан муаллифларнинг қарашларига таянишни маъқул деб топдик, зотан, уларни қарама-қарши қўйиш мазкур атамаларнинг маъносига зиддир. // Усмоналиев М., Каракетов Ю. Криминология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 247-248.

<sup>2</sup> Каиржанов Е. Криминология. Общая часть. – Алматы: Оркенист, 2002. – С. 223.

мумкин: 1) умумий профилактика чора-тадбирлари; 2) махсус профилактика чора-тадбирлари; 3) индивидуал профилактика чора-тадбирлари, шу жумладан жиноий жавобгарлик ва жазо чоралари<sup>1</sup>.

Умумий профилактика чора-тадбирлари: а) бўлинма хизмат кўрсатадиган ҳудудда содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолати, таркиби ва динамикаси тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш материаллари; б) фуқаролар, жамоат ёки давлат ташкилотларининг хабарлари; в) ички ишлар бўлимлари тергов қилаётган муайян жиноят ишларининг материаллари; г) судлардаги фуқаролик ишларига оид материаллар; д) махсус тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган материаллар; е) оммавий ахборот воситалари: телевидение, матбуот, радио хабарлари ва ҳ.к.

Махсус профилактика чора-тадбирлари жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга бевосита қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.<sup>2</sup> Айнан шу фикр З.Ф.Иноғомжонова томонидан қўйидаги тарзда билдирилади: “Агар умумий чоралар деганда, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, шунингдек оила, муҳит ва жамиятнинг ушбу жиноятга таъсир этишини таҳлил этиш тушунилса, махсус чоралар деганда эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларнинг олдини олиш бўйича чораларини ўрганиш англанади”<sup>3</sup>.

Жиноятлар индивидуал профилактикасининг мақсади – жиноятларнинг муайян сабабларини бартараф этиш, одамларда жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ғайриижтимоий кайфиятлар ва қарашларига барҳам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, нафақат суриштирув ва дастлабки терговда, балки суд босқичида ҳам жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш чораларини кўриш мажбурияти эътироф этади. Шу боис ҳам жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф эттириш субъеклари сирасига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд киритилган.

---

<sup>1</sup> Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 116.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 123.

<sup>3</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 540.

Ҳозирги вақтда кўпинча профилактика мақсадларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар оммавий ахборот воситаларида фойдаланишади. Бу шу билан таъкидланганки, ОАВга фуқаролар ва мансабдор шахсларга терговга номаълум гувоҳларни тақдим этиш ҳамда жабрланувчиларга жиноятни сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида тергов органига қўшимча маълумотлар беришга ўта амалий таъсир кўрсатишига имкон беради.

Амалиётда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга қарши қуйидаги профилактик таъсир чоралари мавжуд, уларга:

- профилактика характериға эға бўлган комплекс чора-тадбирларни терговчилар ва ички ишлар органларининг суриштирувчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

- жабрланувчилар билан, жиноят содир этилишига ундаганлиги бўйича: жамиятга қарши қилмишлар содир этган лекин у ёки бу қонуний асослар бўйича жиноий жавобгарликка тортилмаган шахслар билан: ота-оналари, яқинлари, танишлари, дўстлари, синфдошлари, хизматдошлари, педагоглар ва уларнинг раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказиш;

- жиноятларни олдини олиш масалаларига бағишланган конференция, симпозиумлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш ва бошқалар.

Жиноятларни профилактика қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят қонунчилиқ ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга ошириладиган жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги фаолиятидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **жиноятларнинг олдини олиш** – ижтимоий бошқарувнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинувчи қадриятлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамда жиноятларнинг сабабларини, уларни содир этишга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш, шунингдек, ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атворга мойил бўлган шахсларга огоҳлантирувчи таъсир кўрсатиш бўйича қатор мақсадларга қаратилган чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлган бир кўринишидир.

## **II БОБ. ЖИНОЯТЧИ ШАХСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ**

### **1. Жиноятчи шахсларнинг ижтимоий-демографик белгилари таҳлили**

Шахс шаклланган муҳит унинг ҳаётий фаолияти, эҳтиёжлари ва мотивацияси (хоҳиш, истаклари) билан боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам ижтимоий демографик сифатларни ўрганиш жиноятчи шахсини тушунишининг муҳим элементи ҳисобланади ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

Статистика маълумотларига кўра, республикамизда жиноят содир этган шахслар 2010 йилда 93 918 нафар, 2011 йилда 93 945 нафар, 2012 йилда 96 108 нафар, 2013 йилда 94 687 нафар, 2014 йилда 95 263 нафарни ташкил этган. Кўриб турганимиздек, жиноятчилик 2010 йилга нисбатан қаралганда, домий ўсиш суръатида.

Мазкур кўрсаткичларни маъмурий-ҳудудий кечимда таҳлил қиладиган бўлсак, жами жиноятчи шахсларнинг нисбати қуйидаги кўрсаткичларни:

– Андижон вилояти бўйича 2010 йилда 9,1 %, 2011 йилда 8,7 %, 2012 йилда 8,2 %, 2013 йилда 8,0 %, 2014 йилда 8,2 %ни;

– Бухоро вилояти бўйича 2010 йилда 4,2 %, 2011 йилда 4,2 %, 2012 йилда 4,3 %, 2013 йилда 4,1 %, 2014 йилда 4,3 %ни;

– Жиззах вилояти бўйича 2010 йилда 3,4 %, 2011 йилда 3,4 %, 2012 йилда 3,1 %, 2013 йилда 3,4 %, 2014 йилда 3,6 %ни;

– Қашқадарё вилояти бўйича 2010 йилда 6,6 %, 2011 йилда 6,7 %, 2012 йилда 6,4 %, 2013 йилда 6,8 %, 2014 йилда 7,7 %ни;

– Навоий вилояти бўйича 2010 йилда 4,1 %, 2011 йилда 3,9 %, 2012 йилда 4,3 %, 2013 йилда 4,9 %, 2014 йилда 4,7 %ни;

– Наманган вилояти бўйича 2010 йилда 7,4 %, 2011 йилда 6,7 %, 2012 йилда 6,5 %, 2013 йилда 7,0 %, 2014 йилда 6,5 %ни;

– Самарқанд вилояти бўйича 2010 йилда 7,5 %, 2011 йилда 7,4 %, 2012 йилда 7,5 %, 2013 йилда 7,5 %, 2014 йилда 7,6 %ни;

– Сурхондарё вилояти бўйича 2010 йилда 5,1 %, 2011 йилда 4,5 %, 2012 йилда 4,7 %, 2013 йилда 4,6 %, 2014 йилда 4,7 %ни;

– Сирдарё вилояти бўйича 2010 йилда 3,6 %, 2011 йилда 5,6 %, 2012 йилда 4,8 %, 2013 йилда 5,0 %, 2014 йилда 4,9 %ни;

– Тошкент вилояти бўйича 2010 йилда 12,6 %, 2011 йилда 12,6 %, 2012 йилда 12,8 %, 2013 йилда 14,1 %, 2014 йилда 13,9 %ни;

– Фарғона вилояти бўйича 2010 йилда 10,2 %, 2011 йилда 10,6 %, 2012 йилда 10,7 %, 2013 йилда 9,9 %, 2014 йилда 10,6 %ни;

– Хоразм вилояти бўйича 2010 йилда 2,8 %, 2011 йилда 2,7 %, 2012 йилда 3,3 %, 2013 йилда 3,1 %, 2014 йилда 3,3 %ни;

– Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2010 йилда 3,8 %, 2011 йилда 4,1 %, 2012 йилда 5,4 %, 2013 йилда 4,4 %, 2014 йилда 4,3 %ни;

– Тошкент шаҳри бўйича 2010 йилда 17,6 %, 2011 йилда 16,5 %, 2012 йилда 15,5 %, 2013 йилда 14,9 %, 2014 йилда 13,5 %ни ташкил этган<sup>1</sup>.

Кўриб турганимиздек, жиноят содир этган шахсларнинг республикаимиз маъмурий-худудий тузилишга кўра таҳлили уларнинг катта қисми асосан Тошкент шаҳри, Фарғона ва Тошкент вилоятларига, энг кам қисми эса Хоразм ва Жиззах вилоятларига тўғри келади.

Жиноят содир этган шахсларнинг камайиши Андижон, Сурхондарё, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, мувозанат ҳолати эса, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятларида қайд этилган. Шу сабабдан, мазкур ҳудудларда оли борилаётган чора-тадбирларни давом эттириш ва уларни янада чуқурлаштириш тавсия этилади.

Шу билан бирга, жиноят содир этаётган шахсларнинг доимий ўсиш суръати Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилган. Шу сабабдан, мазкур ҳудудларда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини янада кучайтириш, бу борада механизмларни такомиллаштиришда жиддий эҳтиёжлар мавжуд. Айниқса, 2011 йилдан бошлаб Сирдарё вилояти жиноят содир этаётган шахсларнинг жиддий ўсиш суръати кузатилган бўлиб, ушбу вилоятда жиноятчиликка қарши кураш бўйича янада кучайтирилган махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши тавсия этилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларидан, 2015 йил.

Жиноятчилар ўртасида аёллар ва эркекларнинг нисбати ўртача 1:10 ни ташкил этади. Сўнгги йилларда аёллар жиноятчилигининг кўпайганлиги кузатилмоқда, 2015 йилда аёллар томонидан содир этилган рўйхатга олинган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 11% ни ташкил этди. 2015 йилда жавобгарликка тортилган аёлларнинг ҳиссаси савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида анча кўп бўлгани ҳолда, безорилик, одам ўлдириш ва босқинчилик жиноятларини содир этганлар орасида камчиликни ташкил этган. Сўнгги йилларда гиёҳвандлик воситаларини қонунга ҳилоф муомаласи учун судланганлар орасида аёлларнинг ҳиссаси кўпайиб бормоқда.

Биргина Тошкент шаҳрини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда Тошкент шаҳрида 11 342 та шахсга нисбатан жиноят иши кўриб тамомланган бўлса, уларнинг 15,3 %и аёллар ҳисобланган<sup>1</sup>.

Жиноятчиликда турли ёшдаги шахсларнинг нисбатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, энг кўп жиноятлар 25-29 ёшлилар, кейин эса 18-24; 14-17; 30-40 ёшлилар томонидан содир этилар экан, жиноятчилар ичида 60 ёшлилар жуда камчиликни ташкил этади. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2015 йилда 180 нафарни ёки жами жиноятчи шахсларнинг 1,6 %ини ташкил этган<sup>2</sup>.

Айтиш мумкинки, кўп жиноятлар ёш шахслар томонидан содир этилар экан. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳам кўпайиб бормоқда, 2015 йилдаги маълумотларга кўра вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг 4%га тенг бўлган. Тошкент шаҳри бўйича бу кўрсаткич 2,2 %ни ташкил этган.

Жиноят содир этган шахсларнинг маълумот даражаси ҳам криминалогик аҳамият касб этади, чунки уларнинг маълумоти шахснинг маданияти, ижтимоий аҳволи, муносабатлар, алоқалари доираси, ҳаётдаги режалари ва уларнинг амалга оширилиши билан боғлиқдир. Жиноятчилар умумий маълумотининг даражаси қонунга риоя қилувчи фуқароларникидан пастроқ. Турли гуруҳга мансуб бўлган жиноятчиларнинг маълумот даражасида жуда катта фарқлар мавжуддир. Зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар (қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга ши-

---

<sup>1</sup> Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди маълумотларидан, 2015 йил.

<sup>2</sup> Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди маълумотларидан, 2015 йил.

каст етказиш)нинг, ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар: талончилик, босқинчилик ва ўғрилик “муаллифлари”нинг маълумоти энг паст даражададир. Ўзлаштириш ва расрата, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан мулкни талон-тарож қилиш, мансабдорлик ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларнинг маълумоти юқори даражададир.

Оилавий аҳвол ва унинг ўзгариши ҳам жиноятларни содир этган шахсларнинг шахсий хусусиятлари шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Оиланинг муайян даражада жиноий хулқнинг йўналиши ва барқарорлигига ҳам таъсири бўлади. Криминологияда оилавий тарбиянинг вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг шаклланиши, оилавий келишмовчиликларнинг маиший жиноятчиликка таъсири кўпроқ ўрганилган. Умуман оилали шахслар томонидан бўйдоқлар ва бир ўзи турадиганларга нисбатан камроқ жиноят содир этилади. Кўп ҳолларда оила ижтимоий назорат функциясини бажаради.

Жиноятчиларни ижтимоий аҳволи ва бажараётган ишига кўра тавсифлайдиган булсак, улар орасида ҳеч қандай иш билан шуғулланмайдиганларнинг ҳиссаси кўпдир.

Ушбу тадқиқотда таклиф қилинган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар жумласига вояга етмаганларнинг жиноятлари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш учун ихтисослашган (ювенал) судларни ташкил этиш, ички ишлар органлари тизимида оила-рўзғор можароларининг олдини олиш билан шуғулланадиган махсус хизматни ажратиш, унинг таркибида аёллар жиноятчилигининг олдини олиш билан бевосита шуғулланадиган бўлинма ташкил этиш киради. Ташкилий йўсиндаги таклифлар жиноятчи шахсларнинг ижтимоий-демографик белгиларига доир статистика маълумотларини кенгайтириш ва такомиллаштириш, тезкор ва криминалистик ҳисобга олишнинг махсус шакллари ташкил этиш чора-тадбирларига ҳам тааллуқлидир. Чунончи, биз ишлаб чиққан жиноятчи шахсларнинг типологияси бундай ҳисобларнинг принципиал негизи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## 2. Жиноятчи шахсларни таснифлашнинг криминологик асослари

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг шахс даражасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолияти жиноятчи шахси типологиясининг ишлаб чиқирилишига боғлиқдир. Мазкур типология индивидуал хулқ-атворни прогноз қилиш ҳамда дифференциация қилинган ва индивидуаллаштирилган профилактика ва ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш усулининг негизини ташкил этади<sup>1</sup>.

Ю.М.Антонян қайд этиб ўтганидек, “айнан шахсни типларга ажратиш орқали шахснинг ўзига хос модели яратилади. Шахснинг мазкур моделга мос келишини аниқлаш унинг муайян шахс типига мансублигидан далолат бериши керак”<sup>2</sup>.

Жиноятчи шахсининг типологиясини ўрганиш фақат услубий жиҳатдан илмий асосланган бўлсагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ жиноятчи шахсининг криминологик типологияси масалалари алоҳида ўрганилади. Ижтимоий тип муаммоси – индивидуаллик маълумотларининг ижтимоийликка, тарихан ўхшаш зарурий ва жиддий бўлган ягоналикдан умумийликка бўлган маълумотларни билишдир. Бу муаммо, энг аввало, жамият ва индивиднинг бир-бирига боғлиқлиги, узаро алоқадорликда, диалектик жиҳатдан жамият ва индивиднинг объектив равишдаги диалектик алоқадорлигида ифодаланади.

Шахс типидagi ижтимоийлик – индивиднинг ҳаётида муайян тарихий ижтимоий шароитда бевосита детерминлашган ижтимоий ҳаётидир. Унда ижтимоий муҳит ва ижтимоий муносабатларнинг диалектик бирлиги ўз ифодасини топган. Бу жараённинг асосларида ташқи ижтимоий муносабатларнинг (моддий ва маънавий) шахснинг ички тузилишига айланиши, яъни унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, дунёқараши каби ички тузилишини ташкил этувчи жараён ҳисобланади. Ўз мазмунига кўра, айнан шундай объектив жараён таъсирида индивидга хос бўлган ички мазмун шаклланади. Ўз мазмунига кўра объектив жараён бўлган индивид алоқага киришадиган шароит ҳақида гапирилганда, индивидларнинг муносабатга киришиш жараёни юз беради ва шароит индивидуалликка ҳам кирмайди ва улар учун ташқи ҳолат ҳам ҳисобланмайди.

<sup>1</sup> Криминология. – СПб.: Лань, 1998. – С. 135.

<sup>2</sup> Антонян Ю.М. Криминология. – М.: Логос, 2004. – С. 55.

Шундай қилиб, шахсдаги типиклик ижтимоий муҳит билан белгиланадиган белгиларнинг йиғиндисидир. 1897 йили Халқаро криминалистлар уюшмасининг Гейдельбергда бўлиб ўтган съездида жиноятчиларнинг таснифи қабул қилинган бўлиб, Ушбу таснифга кўра жиноятчилар: 1) тасодифий, эпизодик жиноятчилар; 2) хулқ-атворида жиддий бекарорлик бўлган ёки бир неча марта жиноят содир этган; 3) ашаддий ёки профессионал жиноятчиларга ажратилди.

Жиноятчининг шахсига доир криминологик тадқиқотларда сўнгги вақтларда девиант хулқ-атворга тўртки берувчи маълум сабабларни тавсифлашга кўпроқ урғу берилмоқда<sup>1</sup>. Шу билан бирга, биз маҳкума аёллар шахсининг типологияси бошқача бўлиши, яъни бошқа белги ва мезонларга кўра, масалан, жиноят-хуқуқий аҳамиятга эга ижтимоий-психологик ва жинсий фаолиятда иштирокчилик белгиларига, жинсий тажовуз объектига кўра тузилган бўлиши мумкин<sup>2</sup>, деган фикрга тўлиқ қўшилаемиз. Жиноятчиларни туркумлаш учун шахснинг ижтимоий хавфлилиги, маънавий тубанлик ва тарбиясизлик даражасини аниқлаш муҳим. Бу ерда шахснинг хусусиятлари ва унинг томонидан содир этилган қилмиш уйғунликда асос қилиб олинади. Бундай қарашни Ю.М.Антонян<sup>3</sup> ҳам маъқуллаган.

Илмий адабиётларда “типология” атамаси шахслар йиғиндисини тегишли тартибда туркумларга ажратилишининг мазмун хусусияти билишнинг маълум даражаси билан узвий боғлиқ эканлиги қайд этилади<sup>4</sup>. Жумладан, олиб борилган криминологик тадқиқотларнинг муаллифлари бир эмас, бир нечта белгидан фойдаланиб, мазкур белгилар орасида мажбурий тартибда қилмишнинг ва сабабнинг белгилари аниқ бўлган тақдирда типология мақсадларига эришилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни илгари сурганлар. Бунда бир тип доирасида қилмиш ва сабабнинг белгилар ўхшаш бўлиши, улар криминологияда қайд этилган маълум динамик қонуниятларни ва детерминация йўналишларни акс эттириши керак. Криминологияга оид адабиётларда тавсифланган турли ҳаётий фаолият соҳаларининг ўзаро диалектик

<sup>1</sup> Пахомов В.Д., Корзун И.В. Особенности профилактики женской преступности органами внутренних дел // Современная преступность: новые исследования. – М., 1993. – С. 108-109.

<sup>2</sup> Меликишвили Л.А. Роль личностного фактора в преступном поведении женщин. – Тбилиси, 1993. – С. 184.

<sup>3</sup> Антонян Ю.М. Криминология. – М.: Логос, 2004. – С. 69-73.

<sup>4</sup> Типология и классификация в социологических исследованиях. – М., 2002. – С.24.

алоқасини, яқин ва узоқ келажакда рўй бериши мумкин бўлган оқибатларни, воқеа-ҳодисаларнинг турғун ва ўзаро алоқадорлигини эътиборга олиш лозим<sup>1</sup>.

Биз В.А.Казакованинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ҳолатлари барча криминологик омиллар билан биргаликда шахснинг жиноий хулқ-атвори механизмини, унинг жиноий мойилликларини, жиноят содир этишда фаоллик даражасини, юзага келган ҳаётий вазиятларнинг мазкур шахсга таъсири даражасини аниқлаш имконини беради<sup>2</sup>, деган фикрига қўшиламыз. Жиноятчилар, жумладан, жиноятчи аёлларни туркумлаш ва типларга ажратишда мазкур мезонлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак. Жиноятчиларни типларга ажратиб, ўрганишнинг амалий аҳамияти шундаки, у мазкур типга мансуб шахс хулқ-атворининг юзага келиши ва ривожланиши сабаблари, қонуниятларини аниқлаш имконини беради<sup>3</sup>.

Жиноят содир этган шахсларга умумий таъриф бериш ва уларни статистик даражада ўрганиш шахсларнинг маълум туркумларига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни режалаштириш ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш имконини беради. Жиноятчилар шахсининг умумий типологиясини ишлаб чиқишда биз психологияда шаклланган қуйидаги талаблардан келиб чиқдик: 1) типология муайян ижтимоий шарт-шароитлардан узилиб қолмаслиги керак; 2) типология шахсларни бир туркумга бирлаштираувчи муҳим феъл-атвор хусусиятларини очиқ бериши лозим; 3) типология ҳаётий материалга асосланиши ва алоҳида муайян вазиятларга хос бўлган ҳолатларни тушунтириш учун хизмат қилиши керак<sup>4</sup>. Ч.Ломброзо ҳам ўзининг “Жиноятчи ва фоҳиша аёл” асарида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни бир нечта типларга ажратади: 1) туғма жиноятчи шахслар; 2) тасодифий жиноятчи шахслар; 3) эҳтиросли жиноятчи шахслар. Ломброзо ўз жонига қасд қилган ва чақалоғини ўлдирган шахсларни алоҳида кўриб чиқади, фоҳишаларни ҳам иккита: тасодифий ва туғма тоифадагиларга ажратади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Долгова А.И. Криминологические проблемы отдельных видов преступности и проблемы борьбы с ними. – М., 2009. – С. 6.

<sup>2</sup> Казакова В.А. Назначение и исполнение наказания в отношении женщин, осужденных к исправительным работам. Дисс. на соиск. уч. степ. канд. юр. наук. – М., 1984. – С. 39.

<sup>3</sup> Личность преступника. – М.: Юридическая литература, 2005. – С. 49.

<sup>4</sup> Левитов Н.Д. Психология характера. – М., 2009. – С. 300-301.

<sup>5</sup> Ломброзо Ч. Гениальность и помешательство. – Севастополь: Реноме, 1998. – С. 400.

Мазкур маълумотлар жиноятчиларнинг асосий типларини етарли даражада кенг ва аниқ ифода этади. Юқорида кўрсатилган типлар амалда доим ҳам “соф” кўринишда намоён бўлавермаслигини эътиборга олиш керак. Улар ҳар хил уйғунликда намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, жиноятчи типларнинг ўзи ҳам муайян таркибий қисмларга – кичик типлар, кичик гуруҳларга ажратилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, жиноятчилик ёки унинг алоҳида турининг мукаммал ва барқарор типологик тавсифи бўлиши мумкин эмас, зотан мазкур жараён билиш ва жамият тараққиёти жараёнлари ҳамда жиноятчиликнинг ўзида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Жиноий типларни классификация қилиш ва уларнинг типологияси ҳар хил махсус манфаатларга хизмат қилади, тадқиқотчиларнинг ўз олдига қўйилган муайян мақсадларга эришишини таъминлайди. Илмий адабиётларда жиноятчиларни туркумлаш ва типологиясини фарқлаш масалалари хийла мунозарали ҳисобланади. Масалан, 1992 йилгача нашр этилган криминология дарсликларида жиноятчиларнинг таснифи ва типологиясига жиддий аҳамият берилади, бунда жиноятчиларни туркумга ажратиш криминология фанида одатда сўзнинг кенг ва тор маъносида тушунилади. Тор маънода - бу жиноий хулқ-атвор сабаблари билан қонуний боғланган жиддий аломатларга асосланувчи типологиядир. Кенг маънода эса гуруҳлаш, деганда кўрсатилган тор маънодаги типология ва туркумлаш тушунилади. Айрим муаллифларнинг ишларида худди шундай маънодаги “гуруҳга ажратиш” атамаси ҳам учраб туради. Нисбатан кейинроқ чоп этилган криминологияга оид дарслиklar, ўқув қўлланмалари ва бошқа мақолаларда, шунингдек, жиноятчининг шахсини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотларда туркумлаш типологиядан қатъий фарқ қилади<sup>1</sup>, деб айтилади.

Шундай қилиб, жиноятчиларни туркумларга ажратиш жиноят содир этган шахсларни криминологик ўрганиш усули ҳисобланади. У мазкур шахсларнинг атрибутив, яъни ажралмас аломатларига асосланган ҳолда гуруҳларга ажратилишини назарда тутди. Буларга ташқи, расмий хусусиятга эга бўлган аломатлар, масалан: шахснинг ижтимоий-демографик (жинси, ёши, маълумоти, касби ва бошқалар);

---

<sup>1</sup> Шнайдер Г.И. Криминология. – М.: Прогресс”, “Универс”, 1994, – С. 332.

криминологик (жиноий қилмишнинг тури, айбнинг шакли, шахснинг содир этилган жиноятдаги роли, жиноятни такрорий содир этиш ва ҳ.к.)га асосан гуруҳларга ажратиш киради. Баъзан жиноятчиларни туркумлаш ва гуруҳга ажратиш учун бошқа мезонлардан ҳам фойдаланилади: жиноят содир этилган жой, вақт, айбдорнинг рухий ҳолати, мастлик ҳолати ё маст эмаслиги ва ҳ.к. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жиноятчиларни типларга ажратиш шахс содир этган қилмишнинг моҳияти асосида амалга оширилса, туркумлаш расмий хусусиятга эга бўлади.

Типология шахсларни турларга ажратиш ҳақидаги таълимот бўлгани ҳолда, ўз навбатида жиноий ҳуққ атворнинг ўхшаш намуналарини унинг умумий моделига бирлаштиради. Бунда биринчи навбатда шахснинг энг муҳим криминологик ёки унинг жиноят-ҳуқуқий аломатлари: жиноятнинг сабаблари, шахснинг криминогенлилиги ёки ижтимоий хавфлилик даражаси, уларнинг чуқурлиги, қатъийлиги, йўналиши эътиборга олинади. Масалан, жиноят сабаблари мезони бўйича, одатда, қилмишлар қасддан содир этилган жиноятларга, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга ва бошқа турларга ажратилади. Криминогенлилик даражасига кўра эса профессионал жиноятни касб қилиб олган, одатий, беқарор, эҳтиётсизлик оқибатидаги, тасодифий жиноятчиларнинг турлари фарқланади. Шу билан бирга, бундай усулда аниқлаш мумкин бўлган жиноятчиларнинг турлари туркумлашда кузатилгани сингари қатъий чегараларга эга бўлмайди.

Илмий атамалар билан боғлиқ мунозарага киришмасдан ушбу масала бўйича ўзимизнинг шахсий фикрмизни билдиришни истар эдик, зотан бу ҳам ўрганилаётган муаммога нисбатан илмий ёндошувни қисман асослаш учун хизмат қилади. Келтирилган атамалар ўртасида жиддий фарқ мавжуд эмас, чунки уларнинг ҳар бири кўп сонли жиноятчилар (бизнинг тадқиқотда жиноятчи аёллар)ни ҳар хил мезонлар бўйича маълум турлар, гуруҳлар ва тизимчаларга ажратишни назарда тутади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий фанларда туркумлаш мезонлари ва типологик мезонлар кўпинча аралашиб кетади ва мазкур масалада бир қанча чалкашликлар мавжуддир. Бироқ, ушбу жараённинг криминологик томони ҳақида гапирадиган бўлсак, унга нисбатан «типология» атамасини қўллаш, бизнингча, ўринли бўлади, зотан у, биринчидан, криминология фани предметининг асосий элементларидан бири ҳисобланган шахсга

ишора қилади, иккинчидан, жиноятчининг ҳар хил вазиятларда маълум жиноятлар содир этадиган шахсларнинг тегишли тоифасига расман мансуб эканлигини эмас, энг аввало жиноятчи шахсини мазмунан тавсифлашни назарда тутати.

Биз “туркумлаш”, “турухлаш” тушунчаларининг янада универсал хусусиятга эга эканлигини қайд этишни истар эдик. Уларнинг ёрдамида жиноятчиларнинг жинси ва ёши, содир этилган жиноятнинг жиноят ҳуқуқий таснифи, тайинланган жиноий жазонинг тури ва бошқа расмий мезонлар бўйича фарқлаш ва ўрганиш, одатда, қулайроқ бўлади.

Маълумки, жиноятчининг шахси жиноятчи бўлмаган одамнинг шахсидан ижтимоий хавфлилик даражаси билан фарқ қилади. Ижтимоий хавфлиликнинг мазмуни ёки хусусияти шахс жиноий ҳуқ-атворининг етакчи сабабий йўналишига боғлиқ бўлади. Шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси эса мазкур йўналишнинг қатъийлиги ва чуқурлигидан келиб чиқиб фарқланади<sup>1</sup>.

Жиноий ҳуқ-атворнинг типологик моделларини тузишга қатор қизиқарли тадқиқотлар бағишланган бўлиб, уларда ҳар хил шахсий хусусиятлар турлича ҳуқ-атвор мотивларининг шаклланишига олиб келиши қайд этилади<sup>2</sup>.

Бунда шахсни криминологик тадқиқотлар даражасида ўрганиш учун бошқа билим соҳалари ва тегишли фанлар – умумий психология, физиология, суд психиатрияси, патопсихология ва бошқа фанлар соҳасига ҳам эътибор бериш талаб қилинади. Мазкур фанларнинг методологияси ва илмий устқурмасидан фойдаланиш шахсни муфассал ўрганиш имкониятини беради, айрим ҳолатларда эса махсус илмий усуллар, атамалар ва криминология учун муҳим бўлган бошқа категориялардан фойдаланишга ҳам мажбур этади. Муаммога бундан уни ҳар хил аломатлар билан янада кенгроқ қамраб олиш, бир томондан шахсни туркумлаш ва унинг типологиясини аниқлаш, иккинчи томондан эса – криминологик тадқиқотларнинг билиш ва гносеологик функцияларини мумкин қадар чуқурлаштириш имконини беради.

Биз жиноятчиларнинг агрессив ҳуқ-атворини инсоннинг эволюцияси жараёнида шаклланган биоижтимоий хусусияти ҳисобланувчи нисбатан мураккаб

---

<sup>1</sup> Криминология. – М., 1994. – С. 110.

<sup>2</sup> Меликишвили Л.А. Типологические модели личности женщин-преступниц, Современная преступность. Новые исследования. – М., 1993. – С. 136-141.

бўлган агрессивлик феномени доирасида кўриб чиқиш кераклиги тўғрисидаги олимларнинг фикрига қўшиламиз. Шу муносабат билан агрессивликни биологик объект, жумладан, инсонга ҳам хос бўлган доимий хусусият сифатида, агрессияни эса – муайян шароитларда содир этиладиган ҳаракатлар сифатида фарқлаш лозимлигини қайд этиш керак.

Агрессивлик феноменини ўрганган олимлар томонидан мазкур ҳодисанинг моҳияти ва келиб чиқишини тушунтирувчи назариялар ишлаб чиқилган. Э.Фромм<sup>1</sup> - агрессивлик ҳодисасининг келиб чиқиши ижтимоий эканлиги тўғрисидаги назариянинг тарафдори бўлса, Лоренц<sup>2</sup> агрессияни биологик, инстинктив ҳодиса сифатида тушуниш кераклигини уқтиради.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар ҳам эркаклар ва аёллар агрессиясининг фарқларига бағишланган махсус тадқиқотлар криминологияда ҳам, психиатрида ҳам олиб борилган эмас, фақат бу борада эмпирик тажриба асосидаги айрим қайдларгина мавжуд. Бунда олимлар оиладаги шафқатсизлик муаммосини муҳокама қилиб, эркакларда агрессия ташқарига, аёлларда эса кўпроқ ичкарига, ўзига қаратилишини, эркакларда инструментал агрессия, аёлларда эса – вербал агрессия кўпроқ кузатилишини қайд этадилар<sup>3</sup>.

Адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлили, шунингдек, Москва шаҳридаги В.П.Сербский номидаги Ижтимоий ва суд психиатрияси Давлат илмий марказида ўтказилган қатор махсус тадқиқотларнинг натижалари, айниқса, руҳий касалликларга чалинганларнинг агрессив хулқ-атвори муаммоси жуда мураккаб ва серкирра эканлигини кўрсатади. Бу муаммонинг бир нечта: клиник, ижтимоий, юридик, суд-психиатрияга оид жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири чуқур тадқиқотлар олиб борилишини талаб этади. Мутахассиспсихиатрлар томонидан ўтказилган тизимли таҳлил натижасида руҳий патологиянинг турлари, агрессив хатти-ҳаракатлар ва механизмларининг шаклланишида турли ижтимоий ва биологик омиллар иштирок этишини аниқлади. Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида фақат мустақил типологик

<sup>1</sup> Фромм Э. Анагения человеческой деструктивности. – М., 1994. – С. 447.

<sup>2</sup> Лоренц К. Агрессия (так называемое Зло). // Вопросы философии. – М., 1992. №3. – С. 19.

<sup>3</sup> Качаева М.А., Давыдов Д.М. Влияние соотношения биологических и социальных факторов на формирование типов и механизмов агрессивных действий женщин с психическими расстройствами. Государственный научный центр социальной и судебной психиатрии им. В.П. Сербского. Москва, 2000. [www/ rusmedserv.com/psychsex/](http://www.rusmedserv.com/psychsex/)Русский медицинский сервер. Югическая психиатрия. -С. 2.

гурухни ташкил этувчи рухий касал шахслар эмас, балки рухий хасталик даражаси кучсиз намоён бўлган ижтимоий ҳаётда нормал иштирок этаётган жинойтчилар ҳам ўрганилди. Уларнинг ўртасидаги оралиқ позициялар ҳам суд-психиатрик типологияни тузиш нуқтаи назаридан тегишли ижтимоий девиация даражасига эга бўлган типлар билан тўлдирилди.

Шундай қилиб, жинойт шахсларнинг агрессив криминал хулқ-атворини белгилайдиган, “синдром – шахс – вазият” учлигининг ўлчамлари ўзининг ифодасини топган муайян клиник-ижтимоий комплекслар аниқланди. Бу клиник-ижтимоий комплекслардан жинойтчи томонидан содир этилувчи агрессив ҳаракатларни прогноз қилиш учун фойдаланиш мумкин. Шунингдек, улар ўрганилган шахслар контингенти томонидан содир этиладиган агрессив ҳаракатларни профилактика қилшга қаратилган тиббий ва ижтимоий йўсиндаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишга комплекс ёндошув учун хизмат қилиши мумкин<sup>1</sup>.

Клиник, ижтимоий, шахсий ва вазият билан боғлиқ омилларнинг ўзаро турлича таъсирини ўз ичига олувчи кўп омилли тизимларнинг таҳлили асосида ўтказилган жинойтчиларнинг агрессив криминал хулқ-атворининг типологияси улар томонидан содир этиладиган агрессив хатти-ҳаракатлар венозологик (яъни тиббий патология чегарасидан чиқадиган) механизмларга эга эканлигини кўрсатади ва уларни сифат жиҳатидан бошқа даражада кўриб чиқиш имконини беради<sup>2</sup>.

Мазкур тадқиқотлар натижасида рухий патология турларининг шаклланишини белгиловчи омилли тафовутлар ҳам, ўрганилаётган шахсларнинг барчасига хос бўлган расмий хусусиятга эга бўлган қатор ўхшашликлар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Тадқиқ қилинаётган жинойтчиларнинг барча типологик гуруҳларига хос бўлган мазкур ўхшашликлар биз ўрганаётган шахслар агрессиясининг табиати масаласини ёритиш нуқтаи назаридан ўта муҳим криминологик аҳамиятга эгадир. Масалан, жинойт тажовуз объектларининг деярли барчаси жинойтчиларнинг яқинлари

---

<sup>1</sup> Кондратьев Ф.В., Осколкова С.Н. Обоснование методов проведения СПЭ и клинических критериев невменяемости, вменяемости и ограниченной вменяемости в современных условиях / Назначение и проведение судебно-психиатрической экспертизы. Пособие для врачей. – М., 1997. – С. 36-52.

<sup>2</sup> Барденштейн Л.М. Клиника, дифференциально-диагностические и прогностические критерии, лечебно-восстановительные мероприятия при психопатологических нарушениях у подростков женского пола Автореф. дисс. докт. мед. наук. – М., 1991. – С. 46.; Дмитриева Т.Б., Иммерман К.Л., Качаева М.А., Ромасенко Л.В. Криминальная агрессия женщин с психическими расстройствами. – М.: ред.-изд. Отдел ГНЦ им. В.П. Сербского. 1998. – С. 272.

ё қариндош-уруғлари ва камдан-кам ҳолатда фарзандлари бўлишган. Тажовузкорлик хатти-ҳаракатлари одатда беқарор ва ҳар хил ижтимоий аномалиялар туфайли мураккаблашган маиший муҳитда содир бўлган. Бунда болаларга қарши қаратилган агоессив хатти-ҳаракатларни содир этган жиноятчиларнинг кўпчилиги руҳий хаста бўлган. Бироқ, ўрганилган жиноятчилар орасида жинсий эҳтиёжни қондириш мақсадида сурункали агрессив ҳаракатларни содир этиш ҳолатлари қайд этилмаган<sup>1</sup>.

Жиноятчиларни таснифлаш муҳим аналитик ва профилактик аҳамиятга эгадир. У жиноятчилик сабабларини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш, жиноятларнинг олдини олиш ва прогноз қилиш тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Шу сабабли жиноятчиларни таснифлаш криминологиянинг энг долзарб, лекин ҳали яхши ўрганилмаган муаммоларидан бири бўлиб қолаётир.

Жиноятчиларни ҳар хил асосларга кўра таснифлаш мумкин. Жиноятчиларни улар содир этган жиноятларнинг турлари ёки хусусиятига кўра таснифлаш (“ўғрилар”, “фирибгарлар”, “безорилар”, “зўрлик ишлатувчилар”, “порахўрлар” ва ҳ.к.) энг содда ва умумий эътироф этилган таснифдир.

Жиноят содир этиш мотивларининг хусусиятига кўра жиноятчиларнинг “ғаразгүй”, “зўравон”, “нуфузли” ва бошқа типлари фарқланади.

Руҳий соғломлик даражасига кўра жиноятчилар руҳан соғлом, руҳий касаллик билан чегарадош ҳолатда, психопат ёки руҳий касал бўлади.

Жиноятчиларни ижтимоий-демографик белгиларига кўра: вояга етмаган жиноятчилар, шу жумладан ўғил болалар ва қиз болалар; жиноятчи аёллар; хизматчи-жиноятчилар; ўқувчи-жиноятчилар; жиноятчи ҳарбий хизматчилар; транспорт соҳасидаги жиноятчилар; тижорат соҳасидаги жиноятчилар ва ҳ.к.

Жиноятчиларни ғайриижтимоий мойилликлари, қадриятлари ва мўлжалларининг хусусиятига қараб таснифлаш жиноятчиларни таснифлашнинг энг кенг тарқалган усулидир. Ушбу мезонга кўра жиноятчиларнинг шахси уч гуруҳга ажратилади: а) инсонга, унинг муҳим бойликлари – ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва ҳоказоларга салбий-беписанд муносабатда бўлган жиноятчилар; б) ўзгалар

---

<sup>1</sup> Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Юрид. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2005. – Б. 50.

мулкига, моддий неъматларни меҳнатга қараб тақсимлаш принципига нисбатан ғаразли-эгоистик муносабатда бўлган жиноятчилар; в) жамият ва давлат томонидан ўрнатилган қонун-қоидаларга, ўз умумфуқаролик, хизматга доир ва бошқа махсус вазифаларига (масалан, ҳарбий хизматга) анархистик-эгоистик муносабатда бўлган жиноятчилар.

Баъзи бир муаллифлар (масалан, Ю.М.Антонян) умум эътироф этилган ижтимоий қадриятларга енгилтаклик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлувчи жиноятчиларни (масалан, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этувчи шахсларни) ҳам фарқлайди.

Жиноятчиларни криминоген зарарланиш даражасига қараб таснифлаш ҳолатлари ҳам учрайди: а) шахснинг умумий йўналиши ижобий бўлган ҳолда нисбатан енгил жиноятларни биринчи марта содир этган шахслар тоифаси (“тасодифий” жиноятчилар); б) алоҳида ташқи ножўя ҳолатлар таъсирида оғир жиноятларни биринчи марта содир этган шахслар (“ситуатив” жиноятчилар); в) оғир жиноятларни биринчи марта содир этган, лекин илгари бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар (“беқарор” жиноятчилар); г) бир неча марта жиноят содир этган, шу жумладан илгари судланган шахслар (“ашаддий” жиноятчилар); д) кўп марта қасддан оғир жиноят содир этган шахслар (“ўта хавфли” жиноятчилар).

Ғарб ва Америкадаги бир қанча мамлакатлар криминологиясида жиноятчилар асосан уч гуруҳга ажратилади: 1) тасодифий жиноятчилар; 2) профессионал жиноятчилар; 3) потенциал жиноятчилар. Ушбу таснифлаш тизими замирида рецидивистларга қарши кураш бўйича махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, синаб кўриш, шартли жазо бериш институтлари амал қилади.

Юқорида келтирилган барча далиллар, шунингдек шахсий кузатишларимиз натижалари, мазкур тадқиқотнинг эмпирик негизини ташкил этган жиноят ишлари, суд-психиатрия тадқиқотлари материалларини ўрганиш эркаклар ва аёлларнинг агрессив криминал хатти-ҳаракатларида мавжуд бўлган фарқларни мукамал тушунтиришга, афсуски, ҳозирча муваффақ бўлингани йўқ, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Хуллас, жиноятчиларнинг шахсини услубий ўрганишга оид мисолларни келтирар эканмиз, биз, энг аввало, мазкур жараёнда ҳар хил типологик мезонларни ҳисобга олиш зарурлигига эътиборни қаратмоқчимиз. Бизнингча, бу ёндошувни тадқиқот предметиға яқинлаштиришда жиноятчи шахсини ўрганишда ўзаро яқин бўлган фан соҳалари томонидан таклиф қилинган қатор типларға ажратишнинг умумий, мос келувчи мезонларидан бўлиб, мотивацияға асосланган типология хизмат қилиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, шунингдек, илмий анъанаға кўра қарор топган жиноятчи шахсининг типологик тавсифи ва мазкур муаммоға бағишланган махсус ишларнинг натижаларини ҳамда шахсий изланишларимиз асосида чиқарилган хулосаларға таянган ҳолда, жиноят мотивациясининг хусусияти ва мазмуниға кўра, умумий кўринишда жиноятчиларни қуйидаги жиноий типларға ажратиш мумкин:

а) зўравон шахс типи – бу типға одатда маиший заминда безорилик ҳаракатлари, одам ўлдириш ва баданға шикаст етказиш жиноятларини содир этувчи шахсларни киритиш мумкин. Булар инсон ҳаёти, соғлиғи жисмоний дахлсизлиги ва бошқаларға салбий муносабатда бўлган шахслардир;

Бухоро шаҳар судининг 2015 йил 10 апрелдаги ҳукми билан А. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 97-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, унга 10 йил озодлиқдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмиға кўра А. 2015 йил 20 январь куни соат 22.00 лар чамасида Бухоро шаҳри, 2-миттитуманда жойлашган “Ёшлик” номли болалар боғчаси олдида Р. билан жанжаллашиб қолиб, ўзи билан олиб юрган пичоқни олиб, Р.ни қасддан ўлдириш мақсадида унга пичоқ уради. Аммо А. ўзининг жиноий ҳаракатини охириға етказа олмаган.

б) ғараз мақсадли – зўравон тип – шахсий, авваламбор моддий манфаатларға ҳар қандай йўл билан, жумладан, инсон ҳаётини гаровға қўйиб бўлса ҳам эришишни назарда тутадиган ғайриижтимоий қарашларни пухта ўзлаштирган, ижтимоий хавфлилиқ даражаси жуда юқори бўлган шахс типи;

Жиззах вилоят судининг 2014 йил 10 майдаги ҳукмиға кўра М. ҳеч қаерда ишламайди. У Ғаллаорол тумани Ш.Рашидов кўчаси 23-уйнинг 17-хонадонда Г. билан

қонуний никоҳсиз бирга яшаган, мулкига эгалик қилиш учун унинг ожизлигидан фойдаланиб, ғараз мақсадда 2013 йил 10 ноябрь куни Г.нинг бўйнига бир марта пичоқ уриб, кейин бўғиб ўлдириб, 5 220 000 сўмлик рўзғор буюмларини машина топиб, ортиб мурдага ва уйга ўт қўйиб кетганлиги учун ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди, 173-моддаси 2-қисми “б, в” бандлари, 166-моддаси 4-қисми “а” бандлари билан айбли деб топилиб, жиноятлар жами бўйича 16 (ўн олти) йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Қонунга биноан ғараз мақсадда одам ўлдирилганида ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми “а” банди билан қўшимча квалификация қилиш мақсадга мувофиқ эмас. М. эса марҳум Г.нинг мулкани эгаллаш мақсади унинг бўйнига пичоқ уриб, кейин ўта раҳмсизларча бўғиб ўлдириб, жиноят изларини яшириш мақсадида кўпчилик яшайдиган, атрофдагилар учун хавфлилигини билатуриб уйга ўт қўйиб кетган.

в) тамагир тип – жиноятчиларнинг ғаразли типига хос бўлган мотивация, шу жумладан оилавий барқарорликни таъминлаш зарурати билан боғлиқ мотивацияли шахс типи;

Қарши шаҳар судининг 2015 йил 20 январдаги ҳукми билан Т. фуқаро Р.нинг уй сотиб олмақчи бўлиб юрганлигини эшитиб, фирибгарлик йўли билан, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан унинг мулкани қўлга киритиш мақсадида ўзига тегишли бўлмаган уй-жойни ўзимга тегишли уй-жой, шуни Сизга сотаман деб, 2014 йил 10 апрелда Р.дан 7 200 000 сўм пулини олиб ўзига ўзлаштирганликда, 2014 йил апрель ойининг ўрталарида фуқаро Х.га унинг гиламларини сотиб бераман деб, унинг 100000 сўмлик гиламини алдаб олиб, ўзининг шахсига ўзлаштириб юборганликда, ўзининг бу ва шу каби бошқа жиноий ҳаракатлари билан ўзгаларнинг жуда кўп миқдорни ташкил этган мулкани қўлга киритиб, ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

г) эҳтиёткор бўлмаган тип – қонун-қоидаларга енгилтаклик, масъулиятсизлик билан, лоқайд муносабатда бўладиган шахслар – тасодифан, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этадиганларнинг катта қисмини ташкил этади;

Х. 2015 йил 3 январь куни соат 18.00 ларда ўзига тегишли ВАЗ-21083 русумли 01 Р 358 АА давлат белгили автомашинани ТХАЙ таркибий қисми бўлган Темур Малик кўчаси бўйлаб, Ж.Обидова кўчаси томонидан Абдуллаева кўчаси томонга соатига 60 км тезликда ҳаракатланиб, Йўл ҳаракати қоидаларининг 1.4, 3.5 банди 4-қисми ва 16.3 банди талабларига зид равишда, яъни йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари, ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришлари ва тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар светафорнинг рухсат этувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам, пиёдаларга қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари кераклиги тўғрисида талабларни бузиб, Йўл ҳаракати қоидалари 5.16.1 белгисига амал қилмасдан ҳаракати бўйича пиёдалар ўтиш жойидан унинг йўналишида ўнгдан чапга йўлни кесиб ўтаётган 54 ёшли пиёда М.ни уриб юбориб, унга ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган.

д) қарам тип — бу тип вакилларига гиёҳвандлик воситалари, спиртли ичимликлар ёки оиласи ёхуд ишхоанада қарамлик туфайли турли жиноятлар содир этиш хосдир.

Қасби туман судининг 2015 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра А. 3 та гугурт қутиларига жойланган 13,7 гр. марихуанна — гиёҳвандлик воситасини Х.га сотган, шунингдек унинг уйдан яна 8 та гугурт қутиларига жойланган 46,7 гр. марихуанна — гиёҳвандлик воситаси топилган. У жиноятни ўзи билан никоҳсиз яшаб келган П.нинг таъсири остида у билан иштирокчиликда содир этган. Шахснинг криминоген мотивацияга мойиллигининг чуқурлиги ва турғунлиги жиҳатидан жиноятчиларни қуйидаги шахсий типларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

а) тасодифий жиноятчилар — тасодифий ҳолатлар натижасида, ўзининг аввалги ҳуққ-атворининг умумий тавсифига зид равишда жиноят содир этганлар;

б) вазиятга боғлиқ жиноятчилар — беқарор шахсий хусусиятлар ва турмуш шароитларининг таъсирида жиноят содир этганлар;

в) беқарор жиноятчилар — жамиятда қабул қилинган ҳуққ-атвор нормаларидан чекинган, бироқ шунга қарамасдан уларни қатъий ўзлаштириб олмаганлар;

г) профессионал жинойтчилар – жинойт содир этиш орқали ўз олдига қўйган мақсадларга эришишга қатъий интиладиганлар.

Криминоген мотивациянинг хусусияти, чуқурлиги ва турғунлигига асосланган мазкур типологияни келтирар эканмиз, биз уни судланганлик ва рецидивнинг расман мавжуд эканлиги ё йўқлиги, тайинланган жазо тури, ёши, касби ва бошқалар, яъни шахснинг жинойт ҳуқуқий ва ижтимоий-демографик тавсифи мезонлари билан атайин боғламадик. Шунингдек, типологияни жинойт хатти-ҳаракатларнинг хусусиятига қаратишга ҳам уринмадик, зотан мазкур типология криминология фанида етарли даражада қўриб чиқилган. Бу қараш айнан шахсни мотивациянинг йўналиши бўйича ўрганишга асосланган ёндошувга жавоб беради, чунки, бизнинг фикримизча, ҳар қандай рецидивист ҳам профессионал жинойтчи типига мос келавермаслиги, биринчи марта жазога ҳукм этилган шахс эса қамокқа тасодифий ҳолатлар туфайли тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Умумий хулоса шуки, ҳар қандай тасниф муайян даражада шартлидир, деган фикрга деярли барча криминологлар қўшилади. Зотан, таснифлаш учун қандай мезон асос қилиб олинганлиги ёки таснифлашдан қандай мақсад қўзланганлигига қараб, жинойтчилар таснифи ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли амалда юқорида кўрсатилган типлардан биронтасига ҳам мос келмайдиган, айтилиши вақтда “аралаш” белгиларга эга бўлган жинойтчилар учраши мумкин.

### III БОБ. ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

#### 1. Жиноятларнинг олдини олиш тизими

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш (жиноятчиликни профилактика қилиш)нинг<sup>1</sup> иккита: умумижтимоий ва махсус-криминологик тури тафовут этилади. Бунда биринчи ва иккинчи турга мансуб чора-тадбирлар жиноятчиликни профилактика қилишнинг бир нечта босқичда амалга оширилиши мумкин.

Биринчи босқичда жамият ҳаётининг йирик ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал қилиш, тарбиявий ва мафкуравий ишларни кучайтириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва бошқа шунга ўхшаш чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. Иккинчи босқич эса низоли вазиятлар юзага келган ва салбий ҳодисалар содир бўлиши кутилаётган муайян ижтимоий табақалар (микромухит)га профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини қамраб олади. Учинчи босқич (даража) шахс шаклланишининг ноқулай шароитларига тушиб қолган ёки жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларнинг қадриятлари ва қарашлари тизимини ижобий томонга ўзгартиришга йўналтирилган индивидуал тарбия-профилактика ишларини амалга ошириш, уларнинг ғайриижтимоий қарашлари ва мойилликларини енгитиш, қонун ва умум эътироф этилган ижтимоий хулқ-атвор нормаларига нисбатан ҳурматни шакллантиришни назарда тутати<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, биз мазкур тадқиқот олдига қўйилган вазифаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, *биринчидан*, жиноятчиликни профилактика қилишга қаратилган фаолиятнинг турли босқичлари хусусиятларини кўриб чиқишни, *иккинчидан*, профилактик хусусиятига эга бўлган муайян чора-тадбирларнинг ўзаро таъсирини ва умуман жиноятчиликка таъсирини кўрсатиб беришни, *учинчидан*, жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг мураккаб ва долзарб йўналишларидан бири – профессионал жиноятчиликнинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

<sup>1</sup> Усмоналиев М., Каракетов Ю. Криминология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 247-248.

<sup>2</sup> Каиржанов Е. Криминология. Общая часть. – Алматы: Оркенист, 2002. –С. 223.

Табиийки, ижтимоий салбий ҳодиса – жиноятчиликка қарши курашнинг муваффақияти унинг субъектлари давлатнинг илмий ишлаб чиқилган, дастурий сиёсатига асосланган профилактика фаолиятининг барча босқичларида қатъий ва режали равишда ўзаро ҳамкорлик ва алоқа қилишига боғлиқдир. Бунда “сиёсат” тушунчаси бу ерда мазкур атаманинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари билангина чекланиб қолиши мумкин эмас. Бу ижтимоий, иқтисодий, халқаро, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳоказо хусусиятга эга бўлган чора-тадбирларнинг кенг мажмуини ўз ичига олувчи давлатнинг глобал, кенг қамровли сиёсати бўлиши мумкин. Бу чора-тадбирлар бевосита криминологик йўналишга эга бўлмаслиги, жиноятчиликка қарши кураш мақсадларини бевосита кўзламаслиги мумкин, аммо улар жиноий муҳитда содир бўлаётган жараёнларга билвосита ўз таъсирини кўрсатиши керак<sup>1</sup>. Давлат томонидан кўрилаётган чоралар қанча кенг қамровли бўлса, умуман жамиятга ва ўз навбатида – жиноятчиликка ҳам уларнинг таъсири шу даражада салмоқли бўлади.

Биз Ю.М.Антоняннинг аҳолини зарур товар ва хизматлар билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаса, таълим-тарбия ишлари жиддий яхшиланмаса ва жамиятдаги ижтимоий кескинлик даражаси пасаймаса, жиноятчиликнинг камайишига умид қилиб бўлмайди, деган фикрга тўла қўшиламыз<sup>2</sup>.

Умумдават сиёсатининг бу ва бошқа муаммолари, бизнингча, жамиятни таърифловчи қарашлар ва ғоялар тизими – мафкура билан бевосита боғлиқдир. Ҳар бир одамлар жамоаси, шу жумладан миллий-давлат тузилмалари ҳам ўз мафкурасига, маълум турмуш тарзи, ҳаётий, маънавий, руҳий, ҳуқуқий ва бошқа қадриятларига эга. Бу қадриятлар ва устуворликлар ўз ҳолича жамиятнинг узоқ ва тадрижий тарихий тараққиётининг натижасидир. Уларни қисқа вақт ичида ўзгартириб, бинобарин, жамиятда батамом тескари мафкурани шакллантириб бўлмайди. Давлатнинг қатъий ижтимоий-иқтисодий сиёсати бўлмаган, сурункали иқтисодий инқирозлар шароитида бундай мафкурани шакллантириш янада катта қийинчиликлар туғдиради.

---

<sup>1</sup> Абдухалимова М. Проблемы защиты прав женщин против насилия в Наманганской области. // Женщины Центральной Азии. 2001. –С. 66.

<sup>2</sup> Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. –М., 1992. –С. 217.

Ватанпарварлик туйғуларига асосланган мафкура бундай шароитларда муваффақиятсизликка маҳкумдир<sup>1</sup>.

Бир неча ўн йиллар давомида вужудга келган жиноятчиликнинг олдини олиш тизими авваламбор уни амалга оширишнинг иродавий усулларига, турли жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари, партия ташкилотлари ва меҳнат муаммоларининг ёрдамига йўналтирилган, бир хил таъсир кўрсатиш механизмидан фойдаланишга асосланган бўлиб, қатъий (шу жумладан мавкуравий қарашлар билан белгиланган мақсадларни кўзлар эди. Мазкур профилактика чора-тадбирлари тизимида расмий ва юзаки ёндошув олдиндан белгилаб қўйиларди.

Профилактика ишларини олиб бориш амалиётини ўрганиш мазкур фаолиятга тегишли амалий тажриба ва махсус тайёргарликка эга бўлмаган шахсларнинг жалб этилиши бу соҳада мавжуд камчиликларнинг муҳим сабабларидан бири эканлигини кўрсатди. Кўпгина оилавий низоларнинг олдини олиш маълум педагогик ва психологик қўникма ва билимларни, низоларнинг табиатини теран тушунишни талаб этади. Оила-рўзгор низолари юзасидан берилган аризаларни кўриб чиқишни рад этиш билан боғлиқ материалларни таҳлилдан ўтказиш бундай тушунишнинг йўқлигини кўрсатади. Одатда, бундай материаллар бўйича оддий қарор қабул қилинади – жиноят таркиби йўқлиги туфайли жиноят иши қўзғатиш рад этилади ва улар бўйича ҳеч қандай профилактик таъсир чоралари кўрилмайди. Бундай ишлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг мазмуни низонинг асл моҳиятини очиб бермайди, балки “жанжал негизда”, “шахсий муносабатларида совуқчилик рўй бергани туфайли” ва бошқа шунга ўхшаш умумий таърифларга асосланади.

Амалда жанжал содир бўлаётган хонадонга келишдан бошлаб ҳуқуқбузарга нисбатан чора кўриш ва келгусида жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлашгача жуда кўп тактик, руҳий ва ҳуқуқий қийинчиликлар юзага келади. Милиция оилавий жанжалларга аралашни ёқтирмайди. Бу, шу жумладан, жанжалкашлар кайфиятини омонатлиги билан изоҳланади: бугун эрини жавобгарликка тортишни сўрашса, эртага уни тинч қўйишни талаб қилишади. Бундай шароитларда оила билан ишлайдиган

---

<sup>1</sup> Шестаков Д.А. Супружеское убийство как общественная проблема. – СПб., 1992. –С. 91.

ходимлардан мураккаб руҳий вазиятда низога ва жиноятнинг олдини олиш чораларининг мақбул тарзини танлаши талаб этилади.

Ушбу муаммо билан шуғулланган олимлар томонидан ўтказилган махсус тадқиқотлар ички ишлар органлари ходимларининг катта қисми юқорида зикр этилган билим ва кўникмаларга эга эмаслиги, оила-рўзғор муносабатлари соҳасида профилактика ишларини юксак профессионал даражада амалга ошира олмаслигини кўрсатди<sup>1</sup>. Мана шу тадқиқотга асосланиб, ички ишлар органларининг кўпгина ходимлари, **ички ишлар органларида маиший ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича махсус хизмат ташкил этилса**, у ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни янада сифатли профилактика қилишни таъминлаш имконини берар эди деган хулосага келганлар.

Бу ўринда маиший соҳадаги жиноятларга доир статистика маълумотларининг камлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Криминолог олимлар тахминий ҳисоб-китоблар орқали оилада оғир жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни, бундан жабр кўриш мумкин бўлган шахслар ва айбдорларнинг тоифаларини аниқлашга ҳаракат қилаётган бўлсалар, ички ишлар, адлия, суд ва прокуратура органлари бугунги кунда тегишли аниқ маълумотлар беришга қодир эмаслар. **Жиноятчиликни статистик ҳисобга олиш бўйича шаклларга жиноятлардан жабр кўрган шахслар ва уларнинг жиноятчи билан ўзаро муносабатлари ҳақида табақалаштирилган маълумотларни зудлик билан киритиш зарур. Бунда профилактика ишларини ташкил этиш учун уларнинг динамикаси ҳақида тахминий эмас, балки аниқ маълумотлар керак.**

Оиладаги можароларни профилактика қилишга нисбатан ёндошуви томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар миқёсида биз эр-хотин ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш йўналишида жалб этилган кучларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан ривожланган Чет эл мамлакатларидан анча орқада қолганлигимизни қайд этиш зарур. Хорижий мамлакатларда оилада зўравонлик ҳолатлари билан тўқнаш келганда полиция бундай

---

<sup>1</sup> Раҳманов А.И., Толпекин К.А. Проблемы совершенствования деятельности правоохранительных органов по борьбе с правонарушениями в сфере быта. –М., 1991. –С. 63.

оилалар билан ишлашга махсус кенгашларни, оила судларини, маҳаллий адвокатларни, юридик ёрдам хизматларини, махсус клиникаларни, гиёҳвандликдан даволаш марказларини, психологик агентликларни, аноним ёрдам агентликларини, оиладан жабр кўрган аёллар яшаши учун мўлжалланган жойларни, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш хизматларини, диний муассасаларни, жиноятлардан жабр кўрган шахслар ва жиноятларнинг гувоҳларига ёрдам кўрсатиш марказларини, биринчи ижтимоий ёрдам агентликларини, турар жой хизматларини, иқтисодий имкониятларни баҳолаш идораларини ва бошқа ташкилотларни жалб этади<sup>1</sup>. Ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан зўравонлик қилган ҳолларда ҳам шундай бўлади.

Табиийки, юқорида санаб ўтилган хизматлар ва ташкилотларнинг аксарияти бизнинг мамлакатимизда мавжуд эмас. Уларни зудлик билан ташкил этиш йўлидан бориш ҳам, бизнингча, ақлга ва мақсадга мувофиқ бўлмас эди. Бироқ, энг аввало, миллий хусусиятлардан ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқадиган бўлсак, айтилик, **аҳолига психотерапевтик ёрдам кўрсатиш марказлари** ишини фаоллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақидаги таклифлар диққатга созовордир. Бундай марказларда оила аъзолари ўртасидаги низоларни тартибга солиш методикалари ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай муассасалар кечаю кундуз ишлаши, низонинг иштирокчиларидан бирини мазкур низони ҳал қилиш даврида қисқа муддатга жойлаштириш учун кичик стационар фаолият кўрсатиши лозим.

Диний муассасалар билан алоқани йўлга қўйиш зарур. Ички ишлар органлари дин пешволари билан оилавий низолар негизида диний-маънавий ёрдамга муҳтожлик сезаётган шахсларни ўзаро боғлашга тайёр бўлишлари керак.

Суд тизимимизни оила судлари билан тўлдириш учун ҳам барча асослар мавжуд. Ҳозирги кунда туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судларнинг иши жуда кўп эканлиги ҳеч биримизга сир бўлмаган бир шароитда ушбу таклиф ниҳоятда ўринли, деб ўйлаймиз. Бу судларга оилага тааллуқли бўлган ҳуқуқий масалалар ажрашиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, турар жойдан кўчириш, оиладаги жиноятлар ва ҳоказоларни кўриб чиқиш ваколатлари берилиши керак. Бундай судлар

---

<sup>1</sup> Шестаков Д.А. Супружеское убийство как общественная проблема. СПб. 1992. –С. 61.

АҚШнинг айрим штатларида, Японияда ва бошқа мамлакатларда мувафакиятли фаолият кўрсатмоқда.

Маиший соҳадаги рецидив жиноятларнинг олдини олиш муаммоси ҳам алоҳида диққатга сазовордир, зотан, у судланган шахсларни тарбиялаш ва уларни ахлоқан тузатиш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Бунда оила аъзоларига қарши зўрлик ишлатиб содир қилган жиноятлари учун жазога ҳукм этилган шахслар билан ишлаш уларнинг яқинлари, айниқса, фарзандлари билан муносабатларини (агар бундай муносабатлар сақланиб қолган бўлса) пухта ўрганишни талаб этишидан келиб чиқиши керак.

Маҳкуманинг қариндош-уруғлари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муассасаларига ташриф буюрган пайтда ҳамда ИИБ профилактика хизмати ходимлари улар билан хат ёзишиш ёки уйларига ташриф буюриш орқали оила аъзолари билан иш олиб бориши керак. Маҳкума озодликка чиқадиган пайт яқинлашгани сари бундай ишнинг аҳамияти ортиб боради. Жазони ўташда муддатидан аввал ёки муддат тугаши муносабати билан озод этилувчи шахс ва оила аъзолари билан ўзаро муносабатларни тиклашга олдиндан тайёргарлик кўриши керак.

Жиноятчилик, жумладан вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси оилага ва оиладаги тарбияга оммавий таъсир кўрсатишнинг муваффақиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир<sup>1</sup>. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўсиши эса, маълумки, рецидивнинг кўпайиши билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги кунда Республикамизда вояга етмаганлар жиноятчилиги биз юқорида қайд этиб ўтган вояга етмаганларни фоҳишаликка, гиёҳвандлик воситалари билан савдо қилишга, қимор ўйнашга, порнографик нарсаларни тайёрлашга ва бошқа жиноятларга, шу жумладан уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолияти негизида содир этилувчи жиноятларга тортиш тенденцияларига давлат ва унинг жиноятларни профилактика қилиш билан бевосита шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли таъсир кўрсатиши лозим.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан болалар ва ёшлар сиёсати соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, бироқ ушбу тизимда мавжуд бўлган камчиликлар

---

<sup>1</sup> Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. - М., 1992. С. 215.

вояга етмаган шахсларга нисбатан олиб борилаётган профилактика чоралари қатор сабабларга кўра кутилган самара бермаяпти.

*Биринчидан*, мазкур тизим ҳаддан ташқари катта, унинг субъектлари ҳар хил идораларга бўйсунади. Биргина шаҳар, туман миқёсида ўсмирлар орасидаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган давлатнинг кўплаб органлари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўплаб қўшма қарорлар, комплекс дастурлар қабул қилинаётгани, профилактика тадбирлари, операциялар, рейдлар, ойликлар ҳоказолар ўтказилишига қарамай, жиддий натижа бермаяпти.

*Иккинчидан*, мазкур тизимнинг элементлари ўз мақсадлари, вазифалари ва иш шаклларига кўра кўпинча бир-бирини такрорлайди. Кўпгина органлар ва идораларга уларга хос бўлмаган функциялар юкланган. Масалан, ички ишлар органларининг вояга етмаган жиноятчилигини профилактика қилиш бўлинмалари ўсмирларнинг ёзги дам олиши, ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш билан шуғулланади. Юқорида зикр этилган органлар ва идораларнинг ваколатлари аниқ ажратилмаган. Буларнинг барчаси куч ва воситалар, моддий ресурслар ва кадрларнинг ҳар ёққа тарқалиб кетишига, пировард натижада эса масъулиятсизликка олиб келмоқда.

*Учинчидан*, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган тизим замон талабларига, янги иш шакллари ва усулларига жавоб бермайди. У кескин муаммоларни тақиқлаш тактикаси ёрдамида ҳал қилишга кўпроқ мойил. Болаларга ҳам, уларнинг ота-оналарига ҳам педагогик ва психологик ёрдамнинг тақчиллиги кўп жиҳатдан шу билан изоҳланади. Бунда асосан милиция фаолиятига таянилишининг сабаби ҳам шундадир. Ваҳоланки, махсус тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ички ишлар органлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи 320 та омилдан атига 50 тасига самарали таъсир кўрсата олади<sup>1</sup>.

*Тўртинчидан*, профилактика ишлари ҳар бир шахсга нисбатан индивидуал ёндашувни талаб этади. Бу, авваламбор, вояга етмаганлар жиноятчилигига тааллуқли. Масалан, жиноятчиликни дастлабки босқичда профилактика қилиш муаммоси сўнгги

---

<sup>1</sup> Семенихин В. Подросток ждет защиты //Ж. Милиция. №1. 1992. 13 с.

йилларда бир неча марта кўтарилди. Аммо, ўсмирлар ва қизлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга нисбатан табақалаштирилган ёндошувнинг зарурлиги бу ҳолда ҳам жуда кам тилга олинди. Юқорида қайд этилган умумий, бир хил ёндошув бу ерда ҳам етакчилик қилди. Беқарор оиладан чиққан ўсмир ёки қизни рўйхатга қўйиш, ўз вақтида чора кўрганлик ҳақида раҳбариятга ҳисобот бериш ва шу билан ўсмир ёки қиз у ёки бу ҳуқуқбузарликни содир этгунга қадар профилактик таъсир кўрсатишни тухтатиш ички ишлар органлари профилактика хизматининг, авваламбор, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича инспекциялар ходимларининг ва участка нозирларининг ишида қотиб қолган штампдир.

*Беинчидан*, профилактиканинг барча субъектлари фаолиятини баҳолаш мезонлари, одатда, улар фаолият кўрсатувчи шахс ижтимоийлашишининг маълум босқичи билан чегараланади. Мактабгача муассасалар, мактаблар, коллежлар ва меҳнат жамоалари ўртасида тарбия ишларининг ворисийлиги муаммоси ҳал қилинмаган. Бунинг устига, вояга етмаганлар махсус тарбия колонияларга тушиб қолгач, баъзан ижобий ижтимоий фаолият кўникмаларини орттириш зарурлигини идрок этиш лаёқатини йўқотиб қўймоқда. Бу муаммонинг илдизларини, бизнингча, тизим субъектлари ўз фаолиятининг якуний натижаларидан манфаатдор эмаслигидан қидириш керак. Зотан, мазкур муаммо, бизнинг назаримизда, мамлакатда бутун таълим тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан таълим жараёнида олинадиган билим ва кўникмалардан бевосита меҳнат фаолиятида фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу нуқтаи назардан вояга етмаган жиноятчини қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш, унинг бу муддатни сақлаш тартиби қаттиқ бўлган махсус муассасада ўташини таъминлаш чорасини қонуний тартибда ўрнатиш ҳақидаги таклиф эътиборга лойиқдир.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар учун **махсус адлия органлари –ювенал судлар, ихтисослашган адвокатура, тергов аппаратларининг мустақил кичик тизимларини ташкил этиш фурсати етди**. Бунинг учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини малакали тайёрлаш ва уларнинг ишини ихтисослаштириш чораларини кўриш лозим.

Кейинги масала – жиноятчиликнинг олдини олишнинг махсус чоралари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Шахс ижтимоийлашишининг дастлабки босқичидаги бекарорлик шахснинг руҳиятига ўта салбий таъсир кўрсатади, шахс ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйгани сари, у ўзлаштирган салбий ижтимоий кўникма ва одатлар унинг онгида тобора мустаҳкамланиб боради. Амалиёт юкоридаги ҳолатлар девиант хулқ-атворнинг белгилари эканлигини кўрсатади.

Алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар шахсини таърифлайдиган маълумотлардан уларнинг ҳаётий қарашлари, хулқ-атвори, атрофдагиларга, жамиятга муносабати ва ҳоказолардаги маълум ўхшашлик профилактика вазифаларининг ўхшашлигини ҳам белгилаб беради. Буни алкоголь ва гиёҳвандларнинг шахси шаклланадиган шарт-шароитлар мисолида кўриш мумкин. Булар: ўзлари яшаган ижтимоий муҳитнинг ичкиликка ва гиёҳвандликка ружу қўйиш билан боғлиқ анъаналарини ўзлаштириш, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишга қаршилик кўрсатмайдиган қарашлар ва қадриятларнинг ҳамда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланиши; вояга етмаган шахснинг кўчадагиларга (норасмий гуруҳга) қўшилишига туртки берувчи, унинг спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари билан танишиши эҳтимолини оширувчи; ижтимоий омиллар, шу жумладан мода, тақлид қилиш, гуруҳда аъзоликни сақлаб қолишга интилиш; спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари таъсирида янги таассуротлар олишга интилишнинг шаклланиши, пировард натижада бу воситаларни истеъмол қилишга турғун физиологик қарамликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Жиноятчи шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини профилактика қилиш учун қуйидаги маълумотлар эътиборга молик. Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчи шахсларнинг кўпчилигига (феъл-атвор хусусиятларидан қатъи назар) руҳий инфантилизм хос. Руҳиятнинг реактив ва аффектив бузилиши ҳам аёллар феъл-атворининг умумий жиҳатларидан ҳисобланади. Улар 30-35 ёшдан кейин алкоголь билан касалланиш эҳтимоли анча ортган даврда кучаяди (статистика маълумотлари ҳам 30-50 ёшдагилар жиноятчи шахсларнинг энг криминоген ёш гуруҳини ташкил этишини кўрсатади).

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, биз алкоголизм ва гиёҳвандликнинг олдини олишда, биринчи навбатда уларга нисбатан кўриладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Статистик маълумотларга кўра, 2001 йилда 5800 та жиноят маст ҳолатдаги шахслар томонидан содир этилган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда – 7409 та, 2010 йилда – 6924 та, 2012 йилда – 4183 та, 2013 йилда – 3980 тани<sup>1</sup> ташкил этган. Мазкур кўрсаткичлар ҳам алкогольли ичимликлар туфайли маст ҳолатда содир этилаётган жиноятлар учун жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқишни, бу борада самарали механизмларни ишлаб чиқиш заруратини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ тасарруфидаги муассаларда 2001-2015 йиллар мобайнида мавжуд бўлган маҳкумларни ўрганганимизда уларнинг 2001 йилда 41 %и, 2002 йилда 51 %и, 2003 йилда 58 %и, 2004 йилда 58 %и, 2005 йилда 62 %и, 2006 йилда 64 %и, 2007 йилда 63 %и, 2008 йилда 66 %и, 2009 йилда 60%и, 2010 йилда 56 %и, 2011 йилда 49 %и, 2012 йилда 51 %и, 2014 йилда 49 %и, 2015 йилда 48%и иккинчи маротаба ҳукм қилинган шахслар эканлиги, шунингдек уларнинг 2001 йилда 2,8 %и, 2002 йилда 3,1 %и, 2003 йилда 3,8 %и, 2004 йилда 5,1 %и, 2005 йилда 7,1 %и, 2006 йилда 8,7 %и, 2007 йилда 9,3 %и, 2008 йилда 12,1 %и, 2009 йилда 12,7%и, 2010 йилда 13,1 %и, 2011 йилда 13 %и, 2012 йилда 12,5 %и, 2014 йилда 12,7 %и, 2015 йилда 13%и ўта хавфли рецидивистлар эканлиги аниқланди<sup>2</sup>. Бундан кўринадики, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган маҳкумларнинг ярмидан кўпи, тўғрироғи 60-70 %и доим иккинчи маротаба судланган ёки хавфли рецидивист, бошқача айтганда, олдин ҳам жазони ўтаб чиққан шахслар экан. Бу ҳолат ўз навбатида, бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини, маҳкумлар, ёки жазони ўтаб чиққан шахслар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олишнинг янги чораларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини тасдиқлайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларидан, 2014 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотларидан, 2015 йил.

Жазони ижро этувчи муассасалар ва органлар тизими фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи қўйидаги ҳуқуқий ва ташкилий чораларни кўриш таклиф этилади:

– “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, унда жазони ижро этиш муассасалари олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб қўйиш;

– жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий шаклларини қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

– озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахсларнинг олий маълумот олишга бўлган ҳуқуқини қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

– озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатларининг юқори чегарасини пасайтириш тўғрисидаги масалани қонун йўли билан ҳал қилиш;

– маҳкумларнинг ижтимоий фойдали алоқаларини сақлаб қолиш учун уларнинг ўз қариндошлари ва яқин кишилари билан алоқа қилиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисидаги масалани қонунчилик даражасида ҳал этиш;

– жазони ижро этиш тизими органлари ва муассасаларида ходимларнинг хизматни ўташи тўғрисидаги масалани қонун йўли билан ҳал қилиш;

– жазони ижро этиш муассасалари ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, кадрлар билан оқилона таъминлаш ва ташкил этиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш. Ихтисослашган ўқув юртлари ва илмий-услубий марказлар фаолиятини такомиллаштириш бу вазифани бажариш воситаларидан бирига айланиши лозим.

Германия турмаларида маҳкумни “очиқ” турмага ўтказиш ёки озодликка чиқаришга тайёрлаш тизими аниқ ижро этилади. Биринчи марта маҳкум турмадан ташқарига ижтимоий ходим билан бирга чиқади. У автобусда юриши, дўконга, кафега кириши, умуман олганда, ўзи қайтиши мўлжалланаётган бошқа ҳаётни ўз кўзи билан кўриши лозим. Иккинчи марта у турмадан ташқарига бир ўзи чиқади. Учинчи уриниш – қисқа муддатли таътил<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Сидоров В.П. Прогрессивная система в исправительных учреждениях: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Псков, 1999. – С. 12.

Демак, Германияда жазони ижро этиш муассасаларидаги икки ҳолат диққатга сазавор. Биринчиси - маҳкумни “очиқ” турмага ўтказиш тизими, иккинчиси – маҳкумни озодликка чиқаришга тайёрлаш тизими. Мазкур тизими мамлакатимизда ҳам жинойт-ижроия қонунчилиги билан тартибга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖИКга кўра, оғир жинойт содир этган шахс тайинланган жазонинг тўртдан бир қисмини, ўта оғир жинойт содир этган шахс эса, тайинланган жазонинг учдан бир қисмини ўтаб бўлгандан сўнг, манзил колониясига ўтказилиши мумкин (ЖИК 113-моддаси иккинчи қисми). Шу билан биргаликда маҳкумни озодликка чиқаришга тайёрлаш тизими ҳам ЖИК орқали тартибга солинган (ЖИК 114-моддаси). Аммо, бу нормаларни такомиллаштириш, бу борада Германия жинойт-ижроия қонунчилиги тажрибасидан фойдаланиш, мақсадга мувофиқ. Юқоридаги қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖИКни **“Маҳкумларга бериладиган танаффус ва таътиллار” деб номланган 114<sup>1</sup>-модда** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ *(тўлиқ матни хулоса қисмда келтирилган)*.

Шунингдек, мамлакатимизда манзил-колонияларни ҳам ислоҳ қилиш талаб қилинади Улар: а) ахлоқ тузатиш марказлари ва б) реабилитация марказларига айлантирилиши лозим. Ўз навбатида, реабилитация марказлари икки хил бўлади: биринчи – ЎЗР ЖИК 61-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида енгиллаштирилган, ижобий тавсифланувчи маҳкумларни сақлаш учун; иккинчи – жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилган, энг аввало қариндошлари ва доимий яшаш жойи бўлмаган маҳкумларнинг ижтимоий мослашуви учун.

Бизнингча, Францияда жазони ижро этиш тизимининг энг ижобий жиҳатларидан бири – бу рағбатлантириш чораларининг яхши йўлга қўйилганлигидир. Жумладан, жазони намунали ўтаётган маҳкумларнинг жазо муддати ҳар йили 3 ойга, биринчи марта судланганларга эса, ҳар йили 2 ойга қисқартирилиши маҳкумларни ахлоқини тезроқ тузатиш йўлига ўтишида, янги ҳаётга интилишларида, қизиқишларида катта аҳамият касб этади. Зеро, доимий равишда намунали ҳаёт кечириш шахсни шундай ҳаёт кечиришга одатлантиради, ўз навбатида, шахсга янги умидлар бағишлаб, жазодан кўзланган мақсадга эришишда муҳим восита бўлади.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг “Рағбатлантирувчи чоралар” деб номланган 102-моддаси биринчи қисмига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

**“биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо муддатини йилига икки ойгача қисқартириш”.**

Юқоридагилардан ташқари, иқтисодий, мансабдорлик, зўрлик ишлатиб, ҳарбий хизматни ўташ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, бундай жиноятларнинг олдини олиш бўйича йўналишлари жиноятларнинг махсус олдини олиш йўналишидаги муамомлардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлган тайёрланаётган ва амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларни **криминологик экспертизадан ўтказиш зарурлиги** муаммоси назарда тутилмоқда. Бундай фаолият энг аввало қонун ҳужжатларини қабул қилиш миқёсида зарурдир. Бунда криминологик экспертиза, айтишлик, Конституциявий суд ёки прокуратура функцияларини бажармаслиги керак. Унинг қарорлари кўпроқ тавсиявий хусусиятга эга бўлиши ва тегишли ҳуқуқ нормаларининг қабул қилиниши кескинлашишига олиб келиши мумкин бўлган (ёки олиб келган) у ёки бу омилларнинг салбий таъсирини прогноз қилиш элементларини ўз ичига олиши лозим. Мазкур фаолият жараёнида аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ муаммоларга ҳам эътибор бериш зарур. Масалан, 1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Нотариал тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup> қабул қилиниши билан “хусусий нотариуслар” фаолиятига рухсат берилди. Кузатишларга кўра, сохта нотариал тасдиқланган ҳужжатлардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноий фаолият кўлами тобора ортиб борди. Кўчмас мулкни хусусийлаштириш, кўчмас мулк билан олди-сотди қилиш, банкда ҳисобварақлар очиш ва нақд пулларни ўтказиш соҳасидаги фирибгарликлар асосан сохта тасдиқланган нотариал ҳужжатлар ёрдамида амалга оширилган. Бизнингча, бундай қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини тегишли иқтисодий-ҳуқуқий таҳлилдан ўтказиш жиноят қонунининг нотариал ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини қасддан бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатган бўлар эди. Натижада

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №15. Т., Адолат. 1997.

бугунги кунда хусусий нотариуслар ёпилди ва давлат нотариусларигина фаолият юритмоқда.

Профessional жинойтчиликнинг олдини олиш профессионал жинойтчи шахсларнинг жинойт содир этиш усуллари, жинойтчиларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олиш, уларнинг криминоген алоқаларини аниқлашни назарда тутиши лозим. Профессионал жинойтчилар фаолиятининг хусусиятларини ўрганишда уларга хос бўлган жиҳатларни, жумладан, бундай жинойтлар латентлиги даражасининг юқори эканлиги, жабрланувчиларнинг хулқ-атворидаги виктимологик белгилардан жинойтчиларнинг фойдаланишини, жинойт иши бўйича тергов жараёнида жинойтчиларнинг хулқ-атворини эътиборга олиш керакки, бу, ўз навбатида, профессионал жинойтчилар иштирокида алоҳида тергов ҳаракатлари ва процессуал ҳаракатларни ўтказишнинг тегишли тактикасини ишлаб чиқишни талаб этади.

## **2. Жинойтларнинг олдини олишни ташкил этишда профилактика тизимини ахборот билан таъминлаш йўналишлари**

Ахборот билан таъминлаш тушунчаси илмий ва амалий муомалага тезлик билан кириб бормоқда ва умуман, бошқарув, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошқарувининг у ёки бу муаммоларини ёритишда фойдаланилмоқда.

Бироқ жинойт ҳуқуқи фанида ахборот таъминоти муаммоси ҳозирги кунда ҳам моҳиятан ишлаб чиқилмаган деса ҳам бўлади. “Ахборот” термини хабар, ишнинг ҳолати тўғрисида хабардорлик, бирор нарса ҳақидаги маълумотни билдиради. Ҳуқуқий ахборот деганда, бизнинг ҳуқуқ ва у билан боғлиқ бошқа жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларимизни белгилайдиган маълумотлар йиғиндиси тушунилади. Шулардан келиб чиқиб, жинойт-ҳуқуқий ахборотларни умуман, жинойт ҳуқуқига оид билимлар, маълумотлар, унинг алоҳида институтлари ва нормалари, жинойтчиликнинг ҳолати ва унга жинойт-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари, бу таъсир ва унинг натижаларининг ижтимоий оқибатлари йиғиндиси каби белгилаш мумкин. Аҳолининг жинойт-ҳуқуқий таъсирлар ва жинойт ҳуқуқини қўллаш амалиётига, шу жумладан, у билан боғлиқ барча жараёнлар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатлар тўғрисида турли таснифлаш қилинадиган схемалар мавжуд бўлиб, улар

назария ва амалиёт учун жиддий бўлган ахборот белгиларига асосланади. Демак, масалан, ахборотни унинг дастлабки аҳамияти ва у мавжуд бўлган манбаларга мослигига кўра таснифлаш қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ахборот шу белгисига кўра расмий ва норасмийга бўлинади. Расмий гуруҳга: норматив ҳисобот, маълумотнома сигналли, хабардор қилувчи, оператив-техник ҳамда методик ахборотга ажратиш мумкин. Иккинчи гуруҳ ўз ичига илмий ва амалиётчи ходимларининг жиноятларнинг олдини олиш масалаларини шунингдек, бу фаолиятга тааллуқли бўлган турли масалалар бўйича фикрларни такомиллаштириш бўйича илмий хулосаларини ўз ичига олади.

Адабиётларда ахборот турларидан бири сифатида криминологик ахборотни у ёки бу даражада профилогик фаолиятга таъсир кўрсатувчи ва илмий билим, эмперик маълумот, одатий тасаввур кўринишдаги маълумотлар йиғиндиси сифатида белгиланади. Айрим муаллифлар мазмун томонидан очиб бериш орқали криминологик ахборотнинг мазмунини бирмунча муайянлаштирадилар ва унга боғлиқ жиноатчилик ва ҳодисалар, жиноятчи шахси ва шахсий жиноий ҳуқ-атвор сабаблари, жиноятлар ва уларнинг параметр (ўлчамлари)ларини белгилаб берувчи омиллар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Криминологик ахборотнинг бундай таърифи, унинг табиати ва вазифаси аввало, бир вақтнинг ўзида жиноятчилик ва у билан боғлиқ ижтимоий зарарли ҳодисалар (алкоголизм, ўзини ўзи ўлдириш, фоҳишабозлик ва ғайри ахлоқий бўлган бошқа иллатлар), яъни жиноятчилик социалогиясини ўрганувчи ижтимоий фан сингари криминология фанини тушунишга асосланади. Бу криминологик ахборотнинг умуман, ҳуқуқий ахборот ва хусусан, жиноий-ҳуқуқий ахборотга ўхшаганлигини билдиради. Ўз навбатида бу улардан кенг ва чуқурдир. Шу билан бир қаторда криминологик ахборот у билан узвий боғланган ва бир қатор ҳолларда, ижтимоий ахборот, шу жумладан сиёсий, иқтисодий, демографик, ижтимоий психологик турдаги ахборотлар билан тенг равишда туташади.

Криминологик ахборот мақсадли йўналиши бўйича қўйидаги асосий турларга бўлинади.

Директив (ташкийий-тақсимот) У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг пролфилактик ишларини белгилайди ва тартибга солади. Унга: қонунлар, фармонлар, қарорлар ва фармоишлар, буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар, қўлланмалар, низомлар, режалар ваҳакозлар киради.

Аналитик. Жиноят ҳуқуқи органларининг профилактик фаолияти турли жиҳатларининг таҳлили – жиноятчиликнинг жиноят содир этишга таъсир кўрсатувчи ҳолати, сабаблари ва шарт - шароитлари, ҳудудда юзага келган оператив вазият ва шакллардан иборат бўлади.

Назорат-ҳисоб ва ҳисобот. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари турли хизмат ва бўлинмаларининг турли хил ҳисоблари, шарҳлар, маълумотномалар, текширув ва назорат ҳужжатларида қайд этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш, профилактика қилиш борасида турли хизмат ва бўлинмалар ишларининг ҳолати ва натижаларини тасвирлайди.

Бу турдаги ахборотнинг муҳим таркибий қисми профилактик ҳисобда турган шахсларнинг миқдори, шунингдек, терговчи ва прокурор томонидан жиноят содир этилишга таъсир кўрсатувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тавсияномалар, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар миқдorigа оид маълумотлар ҳисобланади.

Оператив - хизмат. Улар ўз ичига юқори турдаги ва айрим профилактика субъектлари оператив-хизматка оид ҳужжатлар ёрдамида уларда бўлган маълумотлар билан ўзаро айланиб-қилинади. Бу турдаги ахборот директив ва ҳисобот характериға эға бўлиб, жиноятлар профилактикасиға оид кенг доирадаги масалаларға тааллуқли бўлади. Айниқса, у жиноят ҳуқуқининг жиноятларнинг олдини олиш ва профилактикасиға доир бевосита кундалик амалий ишларини таъминлашда муҳим аҳамиятға эға. Ички ишлар органларидаги манбаларға масалан, милиция участка инспекторининг маъмурий ҳудуднинг паспорти, турли билдиргилар, хизмат ёзишмалари ва бошқа жорий ҳужжатларни киритиш мумкин. Бунға жиноятлар профилактикаси масалаларига тааллуқли фуқароларнинг хат ва аризалари, таклиф ва шикоятлари бўйича ёзишмалари ҳам киритилади.

Маълумотнома-методологик. Бундай ахборот ҳудуддаги жиноятлар ва ўзга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактикасини ташкил этиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятларига оид маълумотлар ва методологик тавсифдаги маълумотлардан иборат бўлади. Бундай турдаги ахборот манбалари статистика муассасаларнинг маълумотлари, криминологик ва социал тадқиқотларнинг материаллари, турли методик ишланмалар, шарҳлар ва тавсиялар ҳисобланади. Бундай ахборот гуруҳига жиноий-ҳуқуқий юстиция органларининг жиноятлар ва ўзга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш борасидаги ижтимоий ишлари тўғрисидаги ахборотни алоҳида ажратиб кўрсатиш тақозо этилади.

Жиноятларнинг олдини олиш, профилактика қилишда фойдаланиладиган ахборотларнинг кўриб ўтилган таснифлаши билан бир қаторда уларни тўлдирадиган бошқалари ҳам бор. Хусусан, ахборотни давлат органлари ва бошқаруви учун мўлжалланган дастлабки, оралик, якуний (жиноий-ҳуқуқий юстиция органлари даражасига кўра шаклланадиган); жиноий-ҳуқуқий юстиция органларининг ўз бўлиммалари хизматлари учун мўлжалланган (жиноятлар профилактикаси ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича); бошқа нодавлат профилактика субъектлари учун мўлжалланган ахборотларга бўлиниши муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ бошарув жиҳатдан ахборотни таснифлашнинг анча муҳим белгиси у тааллуқли бўлган объектларнинг мазмуни, табиати ҳисобланади. Шунинг учун профилактик аҳамиятга эга ахборотнинг мезонини адабиётда кўпинча қўйидаги асосий турга ажратилади; профилактик таъсир объектларининг ҳолати тўғрисидаги ахборот; профилактик фаолиятдан келиб чиқадиган ижтимоий шарт-шароитларнинг аҳволи (ҳолати) тўғрисидаги ахборот.

#### 1. Профилактик таъсир объектларининг ҳолати тўғрисидаги ахборот.

Кўриб ўтилган ахборот гуруҳида, одатда қўйидаги асосий маълумотлар киради:

- муайян вақт мобайнида (йил, ярим йил, чорак, сана) хизмат кўрсатилган ҳудудда қайд этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг абсолют яъни, унинг ҳолати каби, бундай жиноятларнинг кўрсаткичларини белгиловчи маълумотлар;
- умумий жиноятлар миқдоридаги турли гуруҳ ва турдаги (оғирлик даражаси, айб шакли, жиноий тажовуз объекти ва х.к бўйича), шунингдек, жиноят содир қилган

умумий шахслар миқдорида турли гуруҳдан (ёши, жинси, маълумоти, машғулоти тури ва ҳ.к. бўйича) шахслар миқдорида жиноятлар миқдори, яъни жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичини – унинг тузилишини тавсифловчи маълумотлар;

– аҳоли сонига нисбатан жиноятларнинг (жиноятчиларнинг) ўзаро миқдорий нисбати, яъни жиноятчилик даражасини тавсифловчи маълумотномалар. Бунда шуни назарда тутиш керакки, жиноятчиликнинг умумий коэффициенти билан бир қаторда махсус коэффициентлар ҳам қўшиб ҳисобланади, яъни жиноятларнинг айрим гуруҳ ва турларининг тарқалганлиги ва интенсивлиги белгилаб олинади.

– жиноятчиликнинг вақт бўйича келтириб ўтирган кўрсаткичларининг ҳар қандай ўзгаришини тавсифловчи, яъни йилнинг турли ойи, мавсумида содир этиладиган жиноятлар миқдори, шунингдек (зарур ҳолларда жиноятчиликнинг турли ҳафтанинг куни ва кун соатлари бўйича ўзгариб туришга маълумотлар)

Жиноятчиликнинг тузилиши, суръати ва даражасига тааллуқли маълумотлар ўзгаргандан ахборотга киради, бу вақтда жиноятчиликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборот дастлабки ахборотга дахлдор бўлади.

Ахборотнинг кўрсатилган турлари билан бир қаторда профилактик таъсир кўрсатиш объектини гуруҳ ўрганиш учун қўйидаги омилларга доир ахборотлар муҳим аҳамиятга эга бўлади: а) хизмат кўрсатилаётган ҳудудга келган судланган шахслар, шу жумладан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатирилганлар ҳамда шартли жазо белгилаганлар; б) яқка тартибда профилактик таъсир чоралари белгиланган шахслар; в) жиддий маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва маъмурий жазога тортилган шахслар; г) ҳуқуқбузарликларга оид ишлари вояга етмаганлар ишлари комиссияси кўрувида бўлган вояга етмаганлар, шунингдек вояга етмаганлар ишлари инспекциясига ушлаб келтирилган ўсмирлар миқдори ва ҳ.к.

Жиноятлар ва ўзга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ахборот билан таъминлаш учун ахлоқ статистикаси маълумотлари жиддий амалий қизиқиш уйғотади. Ғайриахлоқий ҳодисалар тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги жиноятчиликнинг ҳолати ва суръатига қанчалик интенсив таъсир қилишга оид тўлиқ ва объектив ахборот олишни муайян даражада қийинлаштиради. Шунинг оқибатида

профилактик характердаги аниқ чора-тадбирларнинг нактижадорлигини асосли равишда баҳолаш мураккаб бўлади.

2. Профилактик фаолиятдан келиб чиқадиган ижтимоий шарт-шароитларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлар. Криминологияда жиноятчилик бошқа ҳодисалар билан турли туман алоқада ва муносабатда бўладиган ижтимоий ҳодиса сифатида кўриб чиқилади. Мазкур дастлабки тезис жиноятчилик билан боғлиқ ва ўзаро алоқада бўладиган ижтимоий шарт-шароитларга таъсир этишининг турли жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш кераклигини шарт қилиб қўяди.

Профилактик фаолиятдан келиб чиқадиган ижтимоий шарт шароитлар ҳолати тўғрисидаги ахборотларни бир неча гуруҳга бўлиб кўришимиз мумкин:

Ижтимоий (моддий) шарт-шароитларга оид маълумотлар: аҳоли тузилиши ва даромадлари даражаси; истеъмоли тузилиши ва даражаси (озик-оват, кийим кечак, пойабзал, хўжалик эҳтиёжлари ва бошқа мақсадларга қилинадиган сарф-харажатлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар); турли ижтимоий гуруҳларда даромадлар ва истеъмолнинг табақаланиш даражаси; шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкаларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган яшаш майдонининг ҳажми; шаҳар, шаҳар типидagi посёлкаларда аҳоли сони ва миқдори; ётоқхоналарда яшайдиган аҳоли сони ва миқдори; маиший хизмат кўрсатиш ҳажми; кишиларнинг ўз реал моддий аҳволидан қониққанлиги даражаси; кадрлар барқарорлиги (турғунлиги) коэффиценти; транспорт алоқа (темир йўл, автомобил йўллари ва ҳаво йўллари) ва ҳ.клар.

Ижтимоий демографик шарт-шароитларга оид маълумотлар: аҳоли сони ва зичлиги; ёш ва жинс тузилиши; миллий таркиби; аҳолининг ижтимоий келиб чиқиши, маълумот даражаси, машғулоти тури, оммавий ахволи; шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўзаро нисбати ва бу нисбатнинг ўзгариш суръати; миграция жараёнлари даражаси ва тузилиши. Шу жумладан турли йил фаслларида ундан (структурадаги) маятниксимон миграциянинг миқдори.

Ижтимоий маданий шарт-шароитларга оид маълумотлар: маданий эҳтиёжларни моддий таъминлаш базаси даражаси ва тузилиши шу жумладан, турли ижтимоий гуруҳлар вакилларининг маданият муассасаларига қатнашиш миқдорига оид маълумотлар. Маданий тадбирларга сарфланадиган сарф-харажатлар (китоблар,

журналлар, газеталар, сотиб олиш, теартлар, концертлар, туристик сайёҳатларга бориш); спрот иншоотлари, заллар, секциялар ва тўғараклари миқдори, аҳоли барча катламларининг спорт ва физкультура билан қамраб олинган шахслар салмоғи; у ёки бу маданий чора-тадбирларни танлаб олишда маданият соҳасида (хусусан, устунлик хусусиятида)ги маданий эҳтиёжлар ва қадрият йўналишлари характери.

Меҳнат шароитлари тўғрисидаги маълумотлар: халқ хўжалиги тармоқлари (саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к) тақсимооти бўйича меҳнат мазмуни ва шарт-шароитлари (меҳнатни механизациялаш даражаси ва ходимлар таснифлашси даражаси).

Маиший ва дам олиш шарт-шароитларига оид маълумотлар: моддий-маиший шарт-шароитлар алоҳида квартирада, шахсий уйда, оммавий ётохонадаги оиланинг салмоғи, маиший ашёлар тўплами, маиший хизмат доираси ва ҳажми, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўз турар жой маиший ҳолатининг баҳолаш характери; маиший зиддиятларнинг тарқалганлик даражаси ва хусусияти уларнинг сабаблари ва мотивлари; маиший кичик гуруҳлар ва улар аъзолари асосий йўналишлари хусусиятлари; илгари судланган, алкоголь суиистеъмол қилувчи, ғайри алоқий ҳуқ - атвори орқали ажратиб турувчи шахслар билан муносабатнинг интенсивлиги; жиноят қидирув йўналиши бўйича рўйхатга олинган умумий жиноятлар миқдорида маиший асосида содир этилган жиноятлар салмоғи; нихоя тузиши умумий ҳажмда (йиллар бўйича тақсимланади) ажримлар салмоғи; никоҳ тузилиши умумий ҳажмида йиллар бўйича тақсимланган мазмун ва ҳажми; аниқланган баҳорнинг тақсимланиши.

Профилактик фаолиятнинг ижтимоий шарт-шароитларига оид ахборот манбаи қўйидагилар бўлиши мумкин: а) жиний-ҳуқуқий юстиция органларига оид маълумотлар; б) маҳаллий статистик органлар тўғрисидаги маълумотлар; в) танлаб олинган криминологик тадқиқот материаллари шунингдек ижтимоий фикрни ўрганиш турли институтлари томонидан ўтказилган сўров натижалари;

3. Жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактикаси субъектлари ҳолати тўғрисидаги ахборот. Ушбу гуруҳдаги профилактика субъектларининг кучлари ва воситалари, ҳамда улар фаолиятлари натижалари таҳлилиги оид маълумотларни ҳосил қилади. Жиноятлар профилактикаси ихтисослашган субъектлар жиний-ҳуқуқий

юстиция органлари билан биргаликда турли давлат органлари ва жамоат бирлашмалар шуғулланадилар, бироқ ҳар қайсининг куч ва воситалари тўғрисида бугал ахборот олиш ниҳоятда мураккабдир. Шунинг учун бошарув мақсадларида фақат ихтисослашган профилактика субъектлари тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлишнинг ўзи етарлидир.

Биринчи навбатда жиноий-ҳуқуқий юстиция органлари шахсий таркиби миқдори ва унинг таъминланганлиги (хизмат бинолари, транспорт, алоқа ва бошқ), аҳоли сонига қараб улар ходимлари масалан, бар милиция участка инспектори) нинг ва жиноятлар миқдорига қараб (масалан, оператив ходимнинг) жиноят ишлари бўйича (масалан, терговчининг) иш нагрузкаси; ижтимоий уюшмалар (уларнинг кучлари ва воситалари) тўғрисидаги маълумотлар.

Ахборот турлари ва манбалари кўриб чиқишга нисбатан кўриб ўтилган ёндашувлар, уларни таснифланишнинг барча имкониятларини шубҳасиз қамраб олмайди, бироқ асосий принцип – жиноятларнинг профилактикасини ахборот билан таъминлаш, уларни назарий ва амалий муаммоларини ишлаб чиқишда ҳисобга олишда юзага келган билиш мақсадлари ва вазифаларининг у ёки бу принциpga мувофиқлиги барча ҳолатларда ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Жиноий -ҳуқуқий ахборотнинг турлари ва манбаларини кўриб чиқишга эътибор бериш билан шуни қайд этиш керакки, у жиноятчиликка қарши кураш, жиноий ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигига оид объектив воситалари тўлиқ ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва фойдаланиш эҳтиёжида ифодаланилади. Бу ахборот хизмат кўрсатиладиган ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилишда асос ҳисобланади.

Жиноий - ҳуқуқий ахборот турлари ва манбалари таснифини ишлаб чиқиш мураккаб илмий муомала ҳисобланади ва аввало хилма - хил ахборот ичидан ҳуқуқни муҳафаза қилишда фойдаланадиган ахборотни ажратиш жараёни мураккабдир. Ҳатто профилактика фаолияти ва жиноят қонунини қўллаш фаолияти, шу вазиятда шартли ҳисобланади, чунки улар умумий ахборот асосига эга бўлади.

Бошқа бир қийинчилик шундаки, жиноий-ҳуқуқий юстиция органларида статистик ҳисоботнинг амалдаги тизими, жиноий асосда қурилган бўлсада, жиноят

хукукий ахборотнинг мустақия блокини ажратишни назарда тутмайди. Бироқ бу мураккаблик жиной - хукукий ахборотни яратиш йўлига нобмалум тўсиқ бўлмайди. Ахборот жараёнлари моҳиятига кўра жинойтчиликка қарши кураш соҳасида бўлиб ўтаётган айрим жинойтлар ва умуман, жинойтчиликнинг олдини олиш жараёнларини шунингдек, жинойт қонунини қўллаш жараёнларини моддалаштиради. Шунинг учун жиной - хукукий ахборотни таснифлашга жинойтчиликка таъсир кўрсатувчи кўриб чиқиладиган тизмлар элементининг ҳолати ва натижаларини акс эттирувчи ҳужжатли ва бошқа ахборот манбалари таснифи орқали ёндашув оқланган.

Шу муносабат билан бир қатор саволлар юзага келиб, уларни ҳал этиш жиной - хукукий ахборотни класификациясини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлади, айнан эса: 1) хукукни қўллаш фаолиятининг мазмуни қандай ва қандай асосий элементлардан вужудга келади; 2) у қандай ҳужжатлар ва ўзга манбааларда акс этади; 3) хукукни қўллаш амалиётини ахборот билан таъминлашни қандай аниқ методлар (усуллар) орқали амалга ошириш иши мумкин?

Жиной-хукукий юстиция органлари ўртасида хукукни қўллаш фаолияти жиной - хукукий нормаларнинг санкциясини, яъни жазони қўллайдилар, деган фикр тарқалган. Шу билан бига жазога жиной - хукукий нормаларни қўллаш натижаси сифатига қараш мумкин. У қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) тайёрланаётган ва содир этилган жинойтларни аниқлаш, қайд этиш ва ҳисобга олиш; 2) тергов қилиш; 3) жинойт ишларини суд тартибида кўриб чиқиш (жиной-хукукий нормалар нуқтаи назаридан): а) тергов жараёнида жинойтлар таснифининг тўғрилигини белгилайди ва унга яқиний равишда жиной-хукукий баҳо беради; б) бу жинойтнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини белгилайди ва енгиллаштираувчи ва оғирлаштираувчи ҳолатларни ҳисобга олади, жазо тури ва ҳажмини белгилайди. Бироқ шу билан хукукни қўллаш фаолияти ҳали тамом бўлмаган. Хусусан, унинг муҳим таркибий қисми жазони ижро этиш ва ниҳоят, жазодан озод қилиш, судланганликни тугаллаш ва олиб ташлашга оид масалани ҳал этиш ҳисобланади.

Шундай қилиб хукукни қўллаш жараёни бир қатор кетма - кет босқичларга бўлинади, мадомики, умуман, хукукни қўллаш фаолиятнинг натижалари, унинг ҳар қайси босқичлари хусусида ахборот олиш мумкин.

Статистик ҳисоботнинг амалдаги низомида жиноий-ҳуқуқий ахборот блокнинг махсус ажратилиши назарда тутилмайди, бироқ бу унда шу каби ахборот сақланмаслигини билдирмайди. Бундай турдаги ахборот ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашда етарлидир ва хусусан, жиноий - ҳуқуқий нормаларни қўллашнинг барча босқичларида – жиноят содир этилишнинг аниқлашни ва қайд этиши ҳамда судланганликнинг тамом бўлиши ва олиб ташланишигача тегишли органлар ва хизматлар фаолиятининг акс эттирадиган ҳисобот шаклларида ҳақиқат мавжуд бўлади.

Бундан ташқари, ўзга ҳужжатлар ва материаллар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, улар қўйидагилардан иборат:

- жиноий-ҳуқуқий юстиция органлари ва уларнинг жиноий - ҳуқуқ органлари ва уларнинг жиноий - ҳуқуқий нормаларини қўллаш бўйича фаолиятини акс эттирувчи ва уларнинг чораларини ўзгартирувчи статистик ҳисобот;

- айрим субъектларнинг жиноий - ҳуқуқий кураш борасида унинг ҳар хил йўналишлари ва турлари (масалан, вояга етмаганлар жиноятчилиги, рецидив жиноятчилик, мулкка тажавуз қилиш ва ҳ.к) фаолиятини тавсифловчи аналитик, маълумотлар, шарҳлар, ҳисоботлар ва бошқа ш.к.лар;

- суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари томонидан муайян жиноят ҳуқуқ нормаларини қўллашни характерлиги (тавсифлиги) иши қўзғатишини рад этиш тўғрисида жиноят ишлари ва материаллари;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг материаллари;

- аниқ жиноятлари бўйича судларнинг хусусий жараёнлари ва прокурорларнинг тақдимномалари;

- юқори жиноий-ҳуқуқий юстиция органларининг қуйи органларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни қайд этиш ва ҳисобга олиш, қилмишни квалификация қилиш, эҳтиёт чораларини танлаш ва ш.к.да қонунийлик ҳолатини акс эттирувчи текширув материаллари. Бу ерда прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов устидан прокурорлик назорати доирасида амалга оширадиган текширув материаллари ҳам киради.

– жиноятчиликка қарши жиноий - ҳуқуқий тадқиқот муоммалари бўйича илмий тадқиқот материаллари;

– жиноятчиликка қарши жиноий - ҳуқуқий курашнинг айрим жиҳатларини характерловчи ўзга материаллар (матбуотдаги чиқишлар, фуқароларнинг хатлари, ариза ва шикоятлари).

Шуни эътиборга олиш керакки, жиноий - ҳуқуқий ахборот билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари анчагина.

Биринчидан, жиноий - статистик ахборот, унинг аниқ турига вақт ва боғлиқлик бўйича аралашиб, шу аралашувнинг ҳар хил хусусиятларга эга бўлади. Демак, жиноят ҳодисасига вақт бўйича суриштирув ва тергов органлари ахборотлари яқин туради ундан кейин узоқроқ - суд ахборотлари, ундан ҳам узоқроқ жиноят - ижро муассасаларига оид маълумотлар туради. Булар статистик қонуниятларда акс этмайди, бироқ масалан, ушбу аниқ вақт давомида оператив вазиятни баҳолашга ҳисобга олиш керак. Яна қушимча қиладиган бўлсак, ахборотнинг аралашуви, маълумотларни қасддан тузиш оқибатида, хусусан, ушбу ҳисобот давридан келажакда хизмат кўрсатмайдиган ҳудуддаги жиноятчиликка қарши кураш ҳолатига доир «статистик манзарани» сунъий равишда яхшилаш мақсадида статистик ахборотнинг бир қисмини асоссиз равишда ўтказиш оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Иккинчидан, жиноят статистикасида ҳисобга олинмайдиган маълумотлар, бунинг устига фақатгина дастлабки тергов ва суд муҳокомаси жараёнида эмас, балки ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ҳам аниқлаштириши мумкин. Бироқ, ҳар доим ҳам бундай аниқлаштиришлар статистик ҳисоботни тегишлича ўзгартириш (маълумотларга тузатиш киритиш) га олиб келавермайди. Натижада ҳуқуқни қўллаш фаолияти соҳасида ишнинг ҳолатига доир ҳолис ва ишончли ахборот олиш қийинлашади.

Учинчидан, жиноят ҳуқуқий ахборотни ўрганиш ва таҳлил қилиш каби профилактик ахборотни ўрганиш ва таҳлил қилишда ҳам латент жиноятчиликка оид ахборотнинг ишончилигига бузувчи таъсирларни ҳисобга олиш керак.

Жиноятчиликка қарши курашнинг, улар ўртасида жиноий -ҳуқуқий чоралар муҳим ўрин эгаллайдиган махсус чоралари самарадорлиги операция вазиятнинг

ўзгариш ва тенденциялари аниқ белгилаб олинishi ва шу асосда тўғри бошқарув қарори қабул қилинишига боғлиқ. Шунинг учун оператив вазиятни ҳар томонлама таҳлилини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳолатини тўғри баҳолаш— ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари самарадорлигини мутлоқ зарур шартидир. Ўз навбатида, жиноий ҳуқуқий характердаги мақсадга йўналтирилган махсус чоралар бевосита оператив ҳолат ва криминологик вазият билан боғланади.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқи нормаларининг ўзи ахборот ҳисобланади ва шу боис одамлар, мансабдор шахсларнинг ҳуқ- атвориға, яъни уларни бузганлик учун жиноий - ҳуқуқий тақиқлар ва синсацияларға оид маълумотларни ўз ичига олади.

Демак, жиноят-ҳуқуқи нормалари муайян билимлар, у ёки бу маълумотларни бутунлай ўз ичига олади ва айнан шу ҳолат жиноят ҳуқуқиға мотивли, тартибға таъсир кўрсатади.

Булар натижасида жиноятларнинг олдини олиш ва жиноят қонунини қўллаш соҳасидаги барча жараёнлар, профилактик ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг барча механизмлари — муайян маънода криминологик, жиноий-ҳуқуқий ҳамда ўзга ахборотни узлуксиз ҳодисаси, ҳаракати ва қайта ишланишидир.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ахборот билан таъминлашнинг бош ва асосий мақсади сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**биринчидан**, жиноят қонуни муҳофазаси остида бўлган ижтимоий қадриятларнинг ҳолати тўғрисида объектив ахборотни тақдим этиш;

**иккинчидан**, жиноятларнинг олдини олиш, улар профилактикасининг самарадорлиги ва учинчидан, жиноят қонунининг қўлланилиши, бу фаолиятни оқиллона бошқариш учун шарт-шароит яратиш.

Ушбу мақсад қўйидагиларда янада аниқроқ бўлади:

1. Ахборот тўплаш ва тақдим этиш (бериш):

а) ғайриижтимоий хатти-ҳаракати (ҳуқ-атвори)ға кўра жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишға мойил шахслар тўғрисида;

б) бу шахсларнинг яқин фоизалари ва уларнинг ҳуқ-атвориға ижтимоий ёки салбий таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида;

в) айтиб ўтилган шахсларга нисбатан ўтказиладиган махсус профилактик чоратadbирларнинг самарадорлиги тўғрисида.

2. Суриштирув ва дастлабки тергов турли хил жиноятлар содир этишга таъсир кўрсатуви сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида амалга ошириладиган операция - кидирув таadbирларни амалга ошириш, жараёнида аниқланганлар тўғрисидаги ахборот тўплаш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш ҳамда бу ахборотни жиноятларни профилактика қилиш субъектлари тарифидан уларни бартараф этиш борасида ўз ишларини ташкил қилиш ва тегишли бошқарув қарорлари қабул қилиш, қонунчилик ва давлат ҳокимияти ижроя органларини хабардор қилиш учун сақлаб туриш ва бериш.

3. Давлат ҳокимияти органлари, жиноий-ҳуқуқий юстиция органларига умуман, ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва хусусан, айрим жиноий - ҳуқуқий институтлар ва шу жумладан, уларнинг таъсир кучи, поғоналари ва ҳ.кга оид нормаларнинг самарадорлиги тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва бериш.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган ва бошқа судланган шахсларга жиноят-ижроя чораларининг таъсири самарадорлиги, шу жумладан ахлоқ тузатиш таъсири самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи (индикатори) сингари рецидив жиноятчиликнинг ҳолати ва даражасига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив тартибдаги омиллар тўғрисидаги ахборот тўплаш ва тақдим этиш.

Ахборот таъминотининг кўпқирралилиги унинг мақсадларини бошқага таснифлаш имконияти борлигини ҳам ифодалайди. Хусусан, ташкилий-бошқарув ва ёрдамчи техник мақсадлар шулар жумласидандир.

Ташкилий-бошқарув мақсади қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларни аниқлашда улар криминологик ва жиноий-ҳуқуқий ахборот ҳамда улар устидан зарур кузатув олиб бориш лозимлигини вужудга келтиради;

б) ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва баҳолаш усуллари ва йўллари тизимини яратиш;

в) профилактика субъектлари, улар ҳал қиладиган вазифаларининг хусусиятларига биноан ахборотдан фойдаланиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг сўровларига мос келишида ахборотнинг тақсимланиши;

г) ахборотдан фойдаланишнинг тури ва самарадорлигини баҳолаш;

д) ҳисобга олинмаган фойдаланувчиларнинг сўровларига жавоб бериш имкониятлари;

е) ахборотдан фойдаланиладиган субъектларни тайёрлаш ҳамда уларни янада тўлиқ ва самарали қўллашга жалб этиш;

ж) ахборотни бузишдан, ундан нотўғри фойдаланиш ва керак бўлмаганда тарқалиб кетишдан асраш.

Ёрдамчи-техник мақсадлар қўйидагиларни ўз ичига олади: ахборотнинг зарур расмийлаштирувини таъминлаш, унинг ташувчиларини ишлаб чиқиш; зарур техник воситалар ЭХМдан фойдаланиш; ахборотни сақлаш, узатувчи ҳ.к учун шароит яратиш.

Келтирилган таҳлиллар доирасидан ташқарида назарий тавсифдаги мақсадлар қолди. Демак, айнан улар жиноий-ҳуқуқий юстиция органларининг жиноятларнинг олдини олиш ва жиноят қонунини қўллаш борасидаги ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ахборот билан таъминлашни келгусида такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишда белгиловчи ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот иши орқали қуйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

### **I. Юриспруденция назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:**

1. Жиноят-ҳуқуқий ва криминологик адабиётлар таҳлили жиноятчи шахси ва жиноятларнинг олдини олиш тушунчаларининг ягона таърифи мавжуд эмаслигини, бу борада турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Шу сабабдан, бу борада олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари асосида мазкур тушунчаларнинг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди:

**жиноятчи шахси** – жиноят субъектига оид белгиларга эга (ақли расолик ва жиноий жавобгарлик ёши) ҳамда қонунда белгиланган тартибда айбдорлиги исботланган жисмоний шахс ўзида ифодаловчи ижтимоий-ҳуқуқий тушунча ҳисобланади;

**жиноятларнинг олдини олиш** – ижтимоий бошқарувнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинувчи қадриятлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамда жиноятларнинг сабабларини, уларни содир этишга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш, шунингдек, ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атворга мойил бўлган шахсларга огоҳлантирувчи таъсир кўрсатиш бўйича қатор мақсадларга қаратилган чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлган бир кўринишидир.

2. Жиноят мотивациясининг хусусияти ва мазмунига кўра, умумий кўринишда жиноятчиларни қуйидаги жиноий типларга ажратиш мумкин: а) зўравон шахс типи; б) ғараз мақсадли; в) тамагир тип; г) эҳтиёткор бўлмаган тип; д) қарам тип.

3. Шахснинг криминоген мотивацияга мойиллигининг чуқурлиги ва турғунлиги жиҳатидан жиноятчиларни қуйидаги шахсий типларга ажратиш мақсадга мувофиқдир: а) тасодифий жиноятчилар; б) вазиятга боғлиқ жиноятчилар; в) беқарор жиноятчилар; г) профессионал жиноятчилар.

4. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ахборот билан таъминлашнинг бош ва асосий мақсади сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин: а) жиноят қонуни муҳофазаси остида бўлган ижтимоий қадриятларнинг ҳолати тўғрисида объектив ахборотни тақдим этиш; б) жиноятларнинг олдини олиш, улар

профилактикасининг самарадорлиги ва учинчидан, жиноят қонунининг қўлланилиши, бу фаолиятни оқилона бошқариш учун шарт-шароит яратиш.

## **II. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси ЖИКни **“Маҳкумларга бериладиган танаффус ва таътиллар”** деб номланган 114<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

### **“114<sup>1</sup>-модда. Маҳкумларга бериладиган танаффус ва таътиллар**

Манзил-колонияларда сақлаш режимини бузмаётган, қатъий ахлоқ тузалиш йўлига ўтган маҳкумларга уларни маҳкумни озодликка чиқаришга тайёрлаш мақсадида қуйидаги шартлар асосида танаффус ва таътиллар берилиши мумкин:

биринчи марта — жазони ижро этиш муассаси ва ички ишлар органлари келишувви асосида бириктирилган ходим назорати остида 5 соатдан 10 соатгача бўлган муддатга танаффус;

иккинчи марта — назоратсиз 1 суткадан 3 суткагача бўлган муддатга таътил;

учинчи марта — назоратсиз 3 суткадан 15 суткагача бўлган муддатга таътил.”.

2. Мамлакатимзда манзил-колонияларни ҳам ислоҳ қилиш талаб қилинади. Улар: а) ахлоқ тузатиш марказлари ва б) реабилитация марказларига айлантирилиши лозим. Ўз навбатида, реабилитация марказлари икки хил бўлади: биринчи — Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 61-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида енгиллаштирилган, ижобий тавсифланувчи маҳкумларни сақлаш учун; иккинчи — жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилган, энг аввало қариндошлари ва доимий яшаш жойи бўлмаган маҳкумларнинг ижтимоий мослашуви учун.

3. Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг **“Рағбатлантирувчи чоралар”** деб номланган 102-моддаси биринчи қисмига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

*“биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо муддатини йилига икки ойгача қисқартириш”.*

## **III. Жиноятларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирлар:**

1. Жиноят содир этган шахсларнинг республикаимиз маъмурий-худудий тузилишга кўра таҳлили уларнинг катта қисми асосан Тошкент шаҳри, Фарғона ва

Тошкент вилоятларига, энг кам қисми эса Хоразм ва Жиззах вилоятларига тўғри келади. Жиноят содир этган шахсларнинг камайиши Андижон, Сурхондарё, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, мувозанат ҳолати эса, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятларида қайд этилган. Шу сабабдан, мазкур ҳудудларда олиб борилаётган чора-тадбирларни давом эттириш ва уларни янада чуқурлаштириш тавсия этилади. Шу билан бирга, жиноят содир этаётган шахсларнинг доимий ўсиш суръати Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилган. Шу сабабдан, мазкур ҳудудларда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини янада кучайтириш, бу борада механизмларни такомиллаштиришда жиддий эҳтиёжлар мавжуд. Айниқса, 2011 йилдан бошлаб Сирдарё вилояти жиноят содир этаётган шахсларнинг жиддий ўсиш суръати кузатишга бўлиб, ушбу вилоятда жиноятчиликка қарши кураш бўйича янада кучайтирилган махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиши тавсия этилади.

## 2. Қуйидагиларни ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ички ишлар органларида маиший ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича махсус хизматни ташкил этиш;
- жиноятчиликни статистик ҳисобга олиш бўйича шаклларга жиноятлардан жабр кўрган шахслар ва уларнинг жиноятчи билан ўзаро муносабатлари ҳақида табақалаштирилган маълумотларни киритиш;
- аҳолига психотерапевтик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш;
- ички ишлар органлари дин пешволари билан оилавий низолар негизида диний-маънавий ёрдамга муҳтожлик сезаётган шахсларни ўзаро боғлаш мақсадида диний муассасалар билан алоқа механизмларини такомиллаштириш;
- суд тизимимизни оила судлари билан тўлдириш (бу судларга оилага тааллуқли бўлган ҳуқуқий масалалар ажрашиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, турар жойдан кўчириш, оиладаги жиноятлар ва ҳоказоларни кўриб чиқиш ваколатлари берилиши керак. Бундай судлар АҚШнинг айрим штатларида, Японияда ва бошқа мамлакатларда мувафақиятли фаолият кўрсатмоқда);

– вояга етмаганлар учун махсус адлия органлари – ювенал судлар, ихтисослашган адвокатура, тергов аппаратларининг мустақил кичик тизимларини ташкил этиш;

– “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, унда жазони ижро этиш муассасалари олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб қўйиш;

– жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий шакллари қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

– озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахсларнинг олий маълумот олишга бўлган ҳуқуқини қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

– озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатларининг юқори чегарасини пасайтириш тўғрисидаги масалани қонун йўли билан ҳал қилиш;

– маҳкумларнинг ижтимоий фойдали алоқаларини сақлаб қолиш учун уларнинг ўз қариндошлари ва яқин кишилари билан алоқа қилиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисидаги масалани қонунчилик даражасида ҳал этиш;

– жазони ижро этиш тизими органлари ва муассасаларида ходимларнинг хизматни ўташи тўғрисидаги масалани қонун йўли билан ҳал қилиш;

– жазони ижро этиш муассасалари ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, кадрлар билан оқилона таъминлаш ва ташкил этиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш. Ихтисослашган ўқув юртлари ва илмий-услубий марказлар фаолиятини такомиллаштириш бу вазифани бажариш воситаларидан бирига айланиши лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015. – 393 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015. – 728 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015. – 230 б.
5. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: Юридик. Издан. НКЮ УзССР, 1926. – Б. 46.
6. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1971.- Б. 311.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг
8. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни 10-моддасининг бешинчи қисми, 35-моддасининг иккинчи қисми, 40-моддасининг биринчи-учинчи, бешинчи қисмлари. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:**

11. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент, 1993. – Б. 38.
12. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 285.
13. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
14. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
16. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил 8 январь. <http://press-service.uz>.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 384 б.
18. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.22. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 302 б.

## **III. Махсус адабиётлар:**

19. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2013. – Б. 208.
20. Абдурасулова Қ., Ниёзова С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 58.
21. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 116.

22. Абдухалимова М. Проблемы защиты прав женщин против насилия в Наманганской области. // Женщины Центральной Азии. 2001. –С. 66.
23. Абисатов М. Организованная преступность в Казахстане: современное состояние, тенденции развития, проблемные вопросы, пути их решения. – Алматы, 2006. – 348 с.
24. Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1980.
25. Алауханов Е.Х. Криминология: Учебник. – СПб.: Юридический центр пресс, 2013.
26. Алексеев А. И. Криминология.: Курс лекций. – М.: ЩИТ-М, 1999, – С. 115.
27. Антонян Ю.М. Криминология. – М.: Логос, 2004. – С. 55.
28. Антонян Ю.М. Личность преступника - индивидуальная профилактика преступлений: сопоставление и выводы // Личность преступников и индивидуальное воздействие на них. М., 1989. – С. 3.
29. Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. –М., 1992. –С. 217.
30. Антонян Ю. М. Социальная среда и формирование личности преступника (необлагоприятные влияния на личность в микросреде). – М.: 1975. – С. 147.
31. Варданян А. В., Кулешов Р. В. Типология агрессии и формы ее проявления в структуре мотивации экстремистской и террористической деятельности. // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2013. № 2 (25).
32. Варданян А.В. Концептуальные аспекты предупреждения тяжких насильственных преступлений против жизни и здоровья личности в деятельности следственных и оперативных подразделений. // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2014. № 1.

33. Дмитриева Т.Б., Иммерман К.Л., Качаева М.А., Ромасенко Л.В. Криминальная агрессия женщин с психическими расстройствами. – М.: ред.-изд Отдел ГНЦ им. В.П. Сербского. 1998. – С. 272.
34. Долгова А.И. Криминологические проблемы отдельных видов преступности и проблемы борьбы с ними. –М., 2009. – С. 6.
35. Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б. 15.
36. Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 540.
37. Зарипов З., Исмаилов И. Криминология: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996.
38. Зокирова О. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 203 б.
39. Игошев К. Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. – Горький: 1976. – С. 35-36.
40. Ильяшенко А.Н. Борьба с насильственной преступностью в семье. – М., 2003.
41. Каиржанов Е. Криминология. Общая часть. – Алматы: Оркенист, 2002. – С. 223.
42. Каракетов Й., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: Г.А.Аҳмедов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
43. Карпец И. И. Современные проблемы уголовного права и криминологии. – М.: Юридическая литература, 1976. – С. 148.
44. Качаева М.А., Давыдов Д.М. Влияние соотношения биологических и социальных факторов на формирование типов и механизмов агрессивных действий женщин с психическими расстройствами. Государственный научный центр социальной и судебной психиатрии им. В.П. Сербского. Москва, 2000. [www/ rusmedserv.com/psychsex/](http://www.rusmedserv.com/psychsex/)Русский медицинский сервер. Югическая психиатрия. -С. 2.

45. Квашиш В.Е. Основы виктимологии. М.: NOTA BENE, 1999. – С.10.
46. Кленова Т.В. О развитии личного права в современном уголовном праве. // Научный мир Казахстана. №3-4, 2006. – С. 79.
47. Кондратьев Ф.В., Осколкова С.Н. Обоснование методов проведения СПЭ и клинических критериев невменяемости, вменяемости и ограниченной вменяемости в современных условиях / Назначение и проведение судебно-психиатрической экспертизы. Пособие для врачей. – М., 1997. – С. 36-52.
48. Криминология. – М., 1994. – С. 110.
49. Криминология. – СПб.: Лань, 1998. – С. 135.
50. Криминология. / Под. ред. А. И. Долговой. – М.: Изд-во “М-Норма”, 1997. – С. 141.
51. Криминология. Дарслик. / Абдурасулова Қ.Р., Аванесов Г.А., Зарипов З.С. ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – Б. 154.
52. Кудрявцев Н.В. Причинность в криминологии. М.: “Юридическая литература”, 1968, -С. 22-23.
53. Левитов Н.Д. Психология характера. –М., 2009. – С. 300-301.
54. Личность преступника. – М.: Юридическая литература, 2005. – С. 49.
55. Ломброзо Ч. Гениальность и помешательство. – Севастополь: Реноме, 1998. – С. 400.
56. Лоренц К. Агрессия (так называемое Зло). // Вопросы философии. – М., 1992. №3. – С. 19.
57. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Тошкент: Гофур Ғулом, 2010. – Б. 632.
58. Меликишвили Л.А. Роль личностного фактора в преступном поведении женщин. –Тбилиси, 1993. – С. 184.

59. Меликишвили Л.А. Типологические модели личности женщин-преступниц. Современная преступность. Новые исследования. – М., 1993. – С. 136-141.
60. Мусаев М. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 240.
61. Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2011.
62. Ниёзова С. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 15.
63. Ниёзова С.С. Жиноятларнинг виктимологик профилактикаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2012.
64. Орехов В. В. Криминология. – М.: 1992, – С. 93.
65. Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 144 б.
66. Пайзуллаев Қ.П. Юридическая и криминологическая характеристика личности преступника, совершившего сексуальное насилие против несовершеннолетних. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. 2003, №3. – Б.49-51.
67. Пахомов В.Д., Корзун И.В. Особенности профилактики женской преступности органами внутренних дел // Современная преступность: новые исследования. – М., 1993. – С. 108-109.
68. Плешаков.В.А. Концепция криминологической теории ситуаций или ситуационной криминологии Россия: уроки реформ. Научные труды, 2008. – С. 152
69. Рахманов А.И., Толпекин К.А. Проблемы совершенствования деятельности правоохранительных органов по борьбе с правонарушениями в сфере быта. –М., 1991. –С. 63.
70. Ривман Д. В. О виктимологической профилактике преступлений // Вопросы профилактики преступлений. – Л.: 1977. – С. 27.

71. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – Б. 34.
72. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи курси. Т.3. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011.
73. Самощенко М. С. Понятие правонарушения по советскому законодательству. – М.: Юриздат, 1963. – С. 262.
74. Сахаров А.Б. Криминология и профилактика преступления. Учебник для ВУЗов МВД, 1999. – С. 100.
75. Семенихин В. Подросток ждет защиты //Ж. Милиция. №1. 1992. 13.с.
76. Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., Юрлитинформ, 2002.
77. Солодовников С.А. Виктимное поведение и защита потерпевших от насильственных преступных посягательств // Сб. Преступное поведение (новые исследования). – М., 2002.
78. Стручков Н.А. Криминология и проблемы личности преступника. // Теоретические проблемы учения о личности преступника. М.: Юрид. лит, 1979. – С. 128.
79. Тахиров Ф. Жинсий жиноятларнинг олдини олиш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 213 б.
80. Темур тузуклари. / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент, 1996. – Б. 23.
81. Типология и классификация в социологических исследованиях. – М., 2002. – С.24.
82. Ўрозалиев М. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

83. Усмоналиев М., Каракетов Ю. Криминология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 247-248.
84. Фалсафа: комусий лугат. / Масъул мухаррир: Қ.Назаров. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 450.
85. Филимонов О.В. Индивидуальная профилактика преступлений. – Томск, 2005. – С. 5-7.
86. Фромм Э. Анагомия человеческой деструктивности. – М., 1994. – С. 447.
87. Шестаков Д.А. Семейная криминология: Криминофамилистика. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003.
88. Шестаков Д.А. Супружеское убийство как общественная проблема. – СПб., 1992. – С. 91.
89. Шнайдер Г.И. Криминология. – М.: Прогресс”, “Универс”, 1994, – С. 332.
90. Kimmo Nuotio, Sakari Melander, Merita Huomo-Kettunen. Introduction to finish law and legal culture. – Helsinki, 2012. – 294 p.

#### **IV. Диссертация ва диссертация авторефератлари:**

91. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Юрид. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2005. – 305 б.
92. Абовян Э. Предупреждение преступлений, совершаемых в состоянии алкогольного опьянения в семейно-бытовой сфере. Дисс... на соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – Рязань, 2011.
93. Абубакаров А. Криминологический анализ и предупреждение пьянства и алкоголизма как негативного социального явления в современной России. Дисс... на соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – М., 2002.
94. Алексеева Л.В. Судебно-психологическая экспертиза эмоциональных состояний: Дис. канд. психол. наук. – М.: 1996. – С. 36.

95. Барденштейн Л.М. Клиника, дифференциально-диагностические и прогностические критерии, лечебно-восстановительные мероприятия при психопатологических нарушениях у подростков женского пола. Автореф. дисс. докт. мед. наук. – М., 1991. – С. 46.

96. Васильев А.Б. Криминологическая характеристика и предупреждение насильственных преступлений против личности, совершаемых в условиях крупного города: На материалах г. Москвы. Дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2003.

97. Герасимов С.И. Концептуальные основы и научно-практические проблемы предупреждения преступности: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2001.

98. Джахбаров Ю.А. Криминологическая характеристика и профилактика насильственных преступлений на виктимологической основе. Дисс.... канд. юрид. наук. – Рязань, 2004.

99. Дунаев С.А. Криминологическая характеристика и предупреждение рецидивных преступлений, связанных с насилием против личности: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1998.

100. Казакова В.А. Назначение и исполнение наказания в отношении женщин, осужденных к исправительным работам. Дисс. на соиск. уч. степ. канд. юр. наук. – М., 1984. – С. 39.

101. Лиманская И.В. Виктимологическая профилактика насильственных преступлений против личности. Дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2002.

102. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлари). Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2007.

103. Сидоров В.П. Прогрессивная система в исправительных учреждениях: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Псков, 1999. – С. 12.

104. Язовских Ю. А. Проблемы вменения в российском уголовном праве: Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Екатеринбург: 1998. – С. 13.